جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

2026-yil 2-oktyabr
№ 40 (144)
www.jadid.uz

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ШАХМАТ МАМЛАКАТИ БЎЛАМИЗ!



(3-саҳифада ўқинг).

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишга – ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган сиздек мўътабар зотларни, юртимиздаги барча педагог ходимларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда Янги Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти, қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марраларимиз, қалбимиздаги олижаноб фазилатларнинг безавол манбаларидан бири бу билим-маърифат, тарбия ва маданият эканини янада чуқур ҳис этамиз. Азиз фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялаб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча заҳматкаш муаллимларимизга, устоз-домлаларимизга самимий миннатдорлик билдириб, чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан таъзим қиламиз.

Қадрли юртдошлар!

Боғча ва мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ҳар бир бола учун билимлар эшиги, мўъжизалар оламини очадиган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар тимсолида биз янги шахс, янги авлод тарбиячиларини кўрамиз. Шу йўлда шогирдларига кўз нури, юрак қўрини бериб меҳнат қиладиган, ўз касбига содиқ ва жонкуяр бундай инсонлар, ҳеч шубҳасиз, миллий педагогикамизнинг олтин фондини ташкил этади. Мен Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини айнан мана шундай фидойи устозлар фаолиятида, уларнинг касб маҳорати, қалб саховатида кўраман.

Мактаб келажак боғи бўлса, муаллим шу масканда умид ниҳолларини ўстирадиган моҳир боғбондир. Ўқитувчи – меҳр дарёси, эзгулик булоғи, маърифат қуёшидир. Шу боис, бу масъулиятли соҳа ходимларининг меҳнатини улуғлаш ва қадрлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда эришаётган, ҳавас қилса арзийдиган натижаларимиз орасида таълим йўналишидаги ютуқларимиз биз учун алоҳида қадрли десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки бундан атиги ўн йил олдин ижтимоий ҳаётимизда ғоят оғир, ота-оналарни энг қийнайдиган соҳа – айнан таълим-тарбия соҳаси, энг камситилган касб эгаси эса ўқитувчилар эди. Сизлар билан бирга қаттиқ ишлаб, қанча-қанча муаммоларни ҳал қилдик, олдимизда турган тўсиқ-ғовларни бартараф этдик. Ҳозирги вақтда таълим соҳаси жадал ривожланаётган соҳага, ўқитувчилик эса обрў-эътиборли касбга айланмоқда.

Буни қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 40 минг ўқитувчи 1 минг доллар, уларнинг 1 минг 500 нафари 2 минг доллардан зиёд миқдорда маош олмоқда. Жорий йил янги форматда ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловининг 208 нафар туман ва шаҳар босқичи ғолибларига илк бор 616 миллион сўмдан мукофот берилди. Бундай рағбатлантириш механизмлари келгуси йилда боғча тарбиячилари ва техникум усталари фаолиятига ҳам жорий этилади.

Сўнгги ўн йилда юртимизда 1 миллион 800 минг ўринли боғча, 1 миллион 500 ўринли мактаблар барпо этганимиз, 10 мингдан зиёд боғча ва мактабни замонавий кўринишга келтирганимиз тарихимизда мисли кўрилмаган натижалардир. Президент, ихтисослашган ва ижод мактаблари каби мутлақо янги намунадаги таълим даргоҳлари пайдо бўлгани, олий ўқув юртлари сони 77 тадан 205 тага ўсиб, улардаги қамров 45 фоизга етгани ҳам албатта катта ижобий ўзгаришдир.

Соҳада хусусий сектор изчил ривожланиб, соғлом рақобат муҳити шаклланмоқда. Энг муҳими, ана шундай шароитда ишлаш, билим ва малакасини ошириш ҳамда намоён этишга қодир бўлган янги педагоглар авлоди майдонга чиқмоқда.

Таълим ислоҳоти йўлидаги бундай улкан ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Табиийки, буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларининг сифати ва самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, 2026 йилда юртимиз ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 228 та медални қўлга киритгани, жумладан, мамлакатимизда бўлиб ўтган халқаро кимё ва информатика олимпиадаларида ўғил-қизларимиз юқори ўринларни эгаллагани ғоят қувонарлидир.

Бир неча кун олдин қадимий Самарқанд шаҳрида якунига етган Бутунжаҳон шахмат ҳамда парашахмат олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлиб, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этган азамат ёшларимизнинг том маънода тарихий ютуқларни қўлга киритишида сизларнинг ҳиссангиз беқиёс эканини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу йил ўқувчилик даврида хорижий тил ва фан сертификатига эга бўлган фарзандларимиз сони 100 минг нафарга етди, 5 мингга яқин мактаб битирувчиси эса олийгоҳларга киришда энг юқори балл тўплади.

Нуфузли PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчиларимиз табиий фанларни ўзлаштириш бўйича 32 поғона юқори кўтарилиб, 48-ўринни эгаллагани ҳам эътиборга лойиқ, албатта.

Олийгоҳларимиздаги 185 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтгани, хорижий университетлар билан ҳамкорликда 441 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилгани ҳам салмоқли кўрсаткичдир.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз келгуси ўн йилни мамлакатимиз учун миллий юксалиш даври сифатида белгилаб, олдимизга янада улкан мақсадлар қўймоқдамиз.

Миллий юксалишнинг таянч асоси – мактаб, техникум ва олийгоҳлар эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Шу боис, бу борада биз, аввало, сизларга – муҳтарам устоз ва мураббийларимизга таянамиз. Таълим-тарбия тизими вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда шу йўналишда олдимизда турган долзарб вазифалар ва уларнинг ечимлари ҳақида атрофлича гаплашиб олдик.

Илғор педагогларни рағбатлантириш мақсадида Абдулла Авлоний номидаги давлат мукофотини таъсис этишга қарор қилдик. Ҳеч шубҳасиз, бундай мукофот сизларни янада катта ютуқ ва марраларга илҳомлантиради, деб ишонаман.

Фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси ва ғурур туйғусини кучайтириш, уларни тарихимиз ва маданиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни энди оилада ҳам, маҳалла, мактаб, техникум ва олийгоҳларда ҳам янгича ташкил этамиз. Бунда ҳозирги ғоят мураккаб замон талабларини қатъий ҳисобга олишимиз зарур. “Ёш авлод тарбияси – бутун жамиятнинг муқаддас бурчи, вазифаси” деган эзгу ғоя ҳар биримизнинг юрагимизда акс садо бериб, кундалик ҳаётимиз мезони, мазмунига айланиши шарт.

Янги Ўзбекистон ёшларини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деб яшайдиган авлод сифатида камол топтиришнинг беқиёс аҳамиятини яхши тушунадиган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар бой билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингиз билан бу жараёнларда фаол иштирок этасиз деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайман.

Ғоят шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда доимо зафарлар ёр бўлсин, азиз устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЖАРАЁН

ТАРИХИЙ АДОЛАТ:

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ОҚЛАНМОҚДА

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Муаззам Истиқлолимизнинг 35 йиллиги тантаналари шукуҳи ҳамон юртимизда кезиб юрибди. Табиийки, бу улуғ айём бахш этган кўтаринкилик, бахтиёрлик, ғурур ва ифтихор ҳар бир юртдошимиз, эзгу ниятли ҳар қайси инсон қалбида бир умрга қолажак.

Зотан, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **Мустақиллик, энг аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди.**

Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англадик, номи ҳамиша эъзозда бўлган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик.

Албатта, бундай бебаҳо неъматни қадрламоқ барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, миллий Истиқлол осонликча қўлга киритилгани йўқ. Озодлик истагида, унга етишмоқ йўлида минглаб аждодларимиз жон берди.

(Давоми 3-саҳифада).

ЭЪЗОЗ



ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида “Янги Ўзбекистон” университетига ташриф буюриб, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва келгусидаги режаларга бағишланган кўргазма билан танишаркан, устозларнинг жамиятда тутган ўрнига юксак баҳо бериб, уларнинг фаолиятини “Ҳал қилувчи куч” деб баҳолади.

Бугунги шиддатли асрда таълим сифати шунчаки ижтимоий соҳадаги навбатдаги вазифа бўлиб қолмай, балки иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, технологик суверенитет, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигини белгилаб берувчи бош стратегик омилга айланди.

Президентимиз “Нажот – таълимда”, деб бежиз такрорламайди. Ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, таълим муассасаларини қуриш, жиҳозлаш, чет элдан мутахассислар жалб қилиш ва замонавий дарсликлар жорий этиш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар сўнгги йилларда мамлакатимизда таълимга бўлган қараш ва давлат сиёсати тубдан ўзгарганини кўрсатади. Бу ислоҳотларнинг энг муҳим пойдевори — унинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилганидадир. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 50-моддасида ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи, узлуксиз таълим тизими ва инклюзив билим олиш имкониятлари кафолатланди.

(Давоми 2-саҳифада).

БУГУННИНГ ШЕЪРИ



ЯНГИ ЗАМОН МУАЛЛИМЛАРИ

Магар Фарҳод бўлсам, Монийларимсиз,
Дилимнинг меъмори – Бонийларимсиз!

Қалбим кўзгусига берган ул оро,
Навоий, Арасту, яна Мулкоро!

Заминга ёмғирлар ёғдирган денгиз,
Тийнати – хокисор, ҳиммати – чексиз...

Тинмайин ҳикмату маталлар айтган,
Китобдан сўз бошлаб, китобга қайтган...

Устозлар бўлмаса, нетарди дунё?!
Ой-юлдуз сўнса, бил: олам – зим-зиё!

“Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир”.

Бу кун сизга бўлсин таъзиму калом,
Яратгандан битта менинг илтижо(и)м:

– Устодлар қадрини айла сарбаланд,
Тотсин асал-новвот, емасин ҳеч панд.

Айирма шогирдин диёнатидан,
Асрагил толибнинг хиёнатидан...

Бели оғримасин, йўламасин бод,
Ҳар икки оламда юраверсин шод...

Ўтиниб сўрагай сендан Баҳодир,
Хизматига этгил тоабад қодир.

Баҳодир ОБИД

МУНОСАБАТ

БОШ МАҚСАД – ИНСОН ҚАДРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида нутқ сўзлаши мамлакатимиз сиёсий ҳаётида алоҳида воқеага айланган бўлса, нутқнинг мазмун-моҳияти халқаро майдонда акс садо бермоқда. Ушбу тарихий чиқишнинг ўқ илдизи – дунёнинг эртанги куни бугун инсоннинг қадр-қиммати қандай ҳимоя қилинишига боғлиқ, деган фикрда мужассам. Бу фақат навбатдаги сессиядаги навбатдаги дипломатик баёнот эмас. Бу – Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўли, ташқи сиёсий қарашлари ва жамият олдига қўяётган мақсадларининг умумий мазмунини ифодаловчи позициядир.

“Бугун инсоният осон даврда яшаётгани йўқ”, деган фикр нутқнинг умумий руҳини белгилаб беради. Дунёда ишонч камайиб, зиддиятлар кучаяётган бир пайтда давлатлар ўзини ташқи дунёдан ёпиб олиши ҳам мумкин. Аммо Ўзбекистон танлаган йўл бошқа – очиқлик, мулоқот ва ҳамкорлик. Бу фақат чегараларнинг очиқлиги ёки халқаро алоқаларнинг кенгайишидагина кўринмайди. Очиқлик – муаммоларни тан олиш, уларни яширмаслик, турфа фикрларни эшитиш ва ечим излашга тайёр туришдир.

Шу маънода, “Очиқлик – заифлик эмас”, деган фикр бугунги дунё учун ҳам, мамлакатимиз ҳаёти учун ҳам муҳим хулосани англатади.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАНИТИМ

ҚОДИРИЙ ҚОҲИРАДА

Дипломат ва таржимон Отабек АЛИМОВ билан суҳбат

– Отабек ака, узоқ йиллар Ташқи ишлар вазирлиги ва Мисрдаги элчихонамизда дипломатик лавозимларда ишлаб келдингиз. Расмий вазифалар баробарида, халқ дипломатиясига ҳам ҳисса қўшдингиз – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини таржима қилиш ва Мисрда чоп этишдек шарафли ишга бош қўшдингиз. Бош қаҳрамон билан адаш бўлганингиз ҳам бу воқеага алоҳида рамзийлик бағишлайди. Ушбу тарихий жараён ҳақида таассуротларингиз биз қатори ўқувчиларга ҳам қизиқ бўлиши, шубҳасиз.



(Давоми 7-саҳифада).



ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Бошланиши 1-саҳифада.

Энг муҳими, Бош қомусимизнинг 52-моддасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда халқнинг маънавий-маданий салоҳиятини сақлашнинг асоси сифатида эътироф этилди. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий бурч даражасига кўтарилди. Шу билан бирга, “Таълим тўғрисида”ги янгиланган Қонун ва тарихий аҳамиятга молик “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун устозларнинг жамиятдаги ўрнини ҳимояловчи мустаҳкам қалқон бўлди. Ўқитувчини касбий фаолиятига алоқадор бўлмаган юмушларга – мажбурий меҳнатга, қишлоқ хўжалиги ва ободонлаштириш ишларига жалб этиш, ортиқча ҳисоботлар талаб қилиш қатъиян тақиқланди ва бунга қарши жавобгарлик чоралари белгиланди. Муаллим синфга, ўз шогирдлари даврасига қайтди.

Ёши улуғ авлод ва зиёлилар яхши эслашади: илгари ўқитувчи ва талаба деганда кузги-қишки мавсумда ойлаб пахта даласида юрадиган, кўча супурадиган ва ўз асосий вазифасидан узилиб қолган арзон ишчи кучи тушунилар эди. Таълим сифати ва профессор-ўқитувчининг шаъни иккинчи, ҳатто учинчи даражали масалага айланиб қолган эди. Шу маънода, кечаги кунни холисона баҳоламай туриб, бугунги ютуқларнинг қадрига етиб бўлмайди.

Ислоҳотлар фақат маънавий чақириқлар билан чекланиб қолмади, у муаллим ва олимнинг моддий фаровонлиги билан мустаҳкамланди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчининг ойлиги унинг турмушини бекаму кўст таъминлаши, ўз касбидан фахрланишига замин бўлиши керак. Бугун олий таълим тизимида замонавий бошқарув воситалари – KPI (муҳим самарадорлик кўрсаткичлари) тизими жорий этилмоқда. Илмий мақола ёзган, халқаро Scopus базаларида танилган, талабаларга янги инновацияларни ўргатган, чет тилини мукаммал билган профессор-ўқитувчиларга юқори устамалар берилмоқда. Бу профессор-ўқитувчининг бошқа ишларга чалғимасдан, бор вақти ва салоҳиятини илм-фан ва таълим сифатига бағишлаши учун берилаётган энг тўғри рағбатдир.

Бугун мамлакатимизда таълим мазмуни мактабгача таълим босқичидан бошлаб тубдан янгиланмоқда. “Илк қадам” дастури асосида болаларнинг нутқи, тафаккури, мулоқот ва ижодий қобилиятларини мактабгача ривожлантириш тизими йўлга қўйилди. Педагогика олийгоҳларида янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашга киришилиб, ўқитувчилар учун танқидий фикрлаш, ижодкорлик ва ҳамкорликка асосланган махсус ўқув модуллари жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида 28 сентябрь куни ўтказилган тақдимотда таъкидланганидек, дарсликни яратишнинг ўзи етарли эмас, янги мазмунни таълим жараёнига самарали татбиқ этиш учун педагоглар тайёргарлиги, ўқитиш усуллари ва аниқ мезонларга асосланган баҳолаш тизими биргаликда такомиллаштирилиши шарт. Бугунги кунда ўқитувчининг касбий билимлари билан бирга, унинг педагогик маҳоратини ҳам баҳоловчи сертификатлаш тизими, шунингдек, ўқувчиларнинг фақат ёдлаш қобилиятини эмас, балки билиш ва қўллай олиш кўникмаларини текширувчи янги баҳолаш тизими 5 мингта мактабда муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда. Устозларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик бевосита уларнинг жамиятдаги обрўсини янада юксалтиряпти.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда, кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти қўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди. Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришаётган олимларимизнинг асосий қисмини профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўқитувчи ва мураббийлар ҳақида сўз кетганда Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадиий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқчиман. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз вақтида биз учун икки эмас, тўрт тилни билиш зарур, деб бонг урган эди ва ушбу даъват ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди. Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтараётган эканмиз, мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси сифатида кўрилмоқда. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунидир.

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида ота-оналар бу ташаббусни, албатта, қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўлишини таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медаль олса, совриндор ўқувчига ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчига ҳам нари борса, битта фахрий ёрлиқ бериларди. Ҳозир улар арзирли пул мукофоти билан тақдирланяпти.

Инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ профессорлари, илм-фан арбобларидир. Улар туфайли таълим сифатининг ошиши иқтисодиёт ривожига жуда катта ва ижобий таъсир кўрсатади. Сифатли таълим мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширади. Экспортнинг кўпайишига ва хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишига ёрдам беради. Иқтисодий ўсишни тезлаштиради ва янги тармоқларнинг ривожланишига туртки беради. Сифатли таълим олган инсонларнинг иш топиш имкониятлари юқори бўлади. Бу эса камбағалликнинг камайишига кўмаклашади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, билим ва малака мамлакатнинг бош капиталига айланиши шарт. Ушбу улуғвор йўлда ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром, яратилаётган замонавий шароитлар эса Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Зеро, илмга тикилган ҳар бир сармоя – миллатнинг порлоқ истиқболига қўйилган энг мустаҳкам пойдевордир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бежиз келаётган ўн йилликни “Ўзбекистоннинг олтин даври” деб атамади. Мамлакатимиз дунёнинг энг бахтли, барқарор ва юксак тараққий этган давлатлари қаторидан жой олиши айнан таълимга, ўқитувчи ва педагогларнинг салоҳиятига, инсон капиталига тизимли ёндашувимизга боғлиқ. Агар биз миллий иқтисодиётимиз учун юқори малакали, рақобатбардош ва маънавиятли кадрларни тайёрлай олсак, фаровонлик ва маънавий юксалишга эришамиз. Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам таянчи, меъмори ва бош ҳаракатлантирувчи кучи – бу фидойи Ўқитувчи ва Мураббийлардир!

Таълимга, устозларга эътибор бир кунлик ёки бир йиллик дастур эмас. Бу – миллатнинг келажаги, унинг асрий тақдиридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев муаллим қадри ва таълим сифатини биринчи ўринга қўйганида катта ҳикмат бор. Бугун ушбу эътибор атрофида жамият уйғонмоқда, иқтисодиёт трансформация бўлмоқда, ёш авлод замонавий дунёга мардона қадам ташламоқда. Токи устоз қадрланар экан, унинг илмига муносиб баҳо берилар экан, Учинчи Ренессанс орзуси, албатта, реал ҳақиқатга айланади.

Иқбол МИРЗО



Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Абдулла ОРИПОВ

БОШ МАҚСАД – ИНСОН ҚАДРИ



Баҳора АҲМЕДОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари маслаҳатчиси

Бошланиши 1-саҳифада.

Тинчлик учун ҳаракат қилиш эса келажак олдидаги масъулиятни билдиради. Нутқдаги энг муҳим мезонлардан бири давлат қудратини қайта англаш масаласидир. Давлатнинг кучи фақат ялпи ички маҳсулот ҳажми, ҳарбий салоҳият ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан белгиланмайди. Бу рақамлар муҳим, албатта. Аммо уларнинг ортида инсон тақдири туради. Оддий қилиб айтганда: Одамнинг ҳаёти яхшиландими? Фарзанд сифатли таълим оляптими? Оила тиббий хизматдан қониқарли фойдаланяптими? Ёшлар ўз келажагини қуриш учун имкониятга эгами? Аёллар ўз қобилияти ва тадбиркорлигини рўёбга чиқариши учун шароит борми? Ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси ана шу саволларга бериладиган жавоб билан ўлчанади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг марказига “инсон” тушунчасининг қўйилгани нутқда аниқ ифодаланди.

> **Давлатнинг қудрати, аввало, инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини қанчалик ҳимоя қила олиши билан белгиланади.**
>
> **Саида МИРЗИЁЕВА,**
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари**



Саида Мирзиёева БМТ минбарида Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар, эришилган натижалар статистикасини келтириб ўтди. Сўнгги ўн йилда аҳолининг харид қобилияти икки баробар ошгани, иқтисодиёт ҳажми 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етгани, 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция жалб қилингани, экспорт қарийб уч баробар кўпайгани қайд этилди. Камбағаллик даражасининг 4 фоизга тушгани ва қарийб 10 миллион нафар инсоннинг камбағалликдан чиқарилгани эса иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мезонларидан бири – одамлар турмушидаги ижобий ўзгариш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамрови 9 фоиздан 45 фоизга етгани, ўртача умр кўриш давомийлиги 66 ёшдан қарийб 10 йилга узайгани, оналар ва гўдаклар ўлими тўрт баравар камайгани – буларнинг ҳар бири миллионлаб оилаларнинг ҳаёти билан боғлиқ. Демак, ислоҳотнинг энг катта ҳисоботи статистик жадвалда эмас, оилаларнинг кундалик ҳаётида намоёндир.

Администрация раҳбари ўз нутқида болалар масаласига алоҳида урғу бергани бежиз эмас. “Бола – давлатнинг энг катта масъулияти”. Бу фикрнинг замирида жуда катта ҳақиқат бор: бугун туғилган бола эртанги Ўзбекистоннинг фуқароси, мутахассиси, олими, тадбиркори, шифокори ёки муҳандисидир. Шунинг учун боланинг соғлом туғилиши, яхши таълим олиши, хавфсиз ва муносиб муҳитда вояга етиши – фақат ижтимоий сиёсат масаласи эмас. Бу мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиясидир. Келажак бугун болага қандай шароит яратишимиздан бошланади.

Ўзбекистоннинг БМТ минбаридаги позициясида Марказий Осиё мавзуси ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Яқин тарихга назар ташласак, минтақада чегаралар, сув ресурслари, транспорт ва бошқа масалалар атрофидаги мураккабликлар давлатлар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатганини кўрамиз. Бугун эса минтақада бошқа кайфият шаклланмоқда. Давлатлар бир-бирини фақат қўшни сифатида эмас, балки шерик сифатида кўришга интилмоқда. Бу ўзгаришнинг аҳамияти катта. Чунки замонавий дунёда бир давлатнинг тараққиёти қўшнисининг муаммосидан алоҳида яшай олмайди. Савдо йўллари, сув, энергетика, экология, транспорт, хавфсизлик – буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ. Шунинг учун Марказий Осиёнинг бугунги ҳамкорлик руҳи нафақат минтақа халқлари, балки жаҳон халқаро ҳамжамияти учун ҳам муҳим тажриба бўла олади.

Нутқда Афғонистон масаласига ёндашув инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу мамлакатни фақат хавф манбаи сифатида кўриш муаммони ҳал этмайди. Чунки у ерда ҳам сизу биздек одамлар, оилалар, болалар ва келажагини тинч ҳаётда қуришни истаётган миллионлаб инсонлар яшайди. Шу сабабли, Афғонистон масаласида мулоқот, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларни кенгайтириш, тинч ҳаёт учун шароит яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Орол инсоннинг табиатга ўгай муносабати қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг аччиқ мисолидир. Аммо Ўзбекистон бугун бу ҳудудга фақат фожиадан иборат манзара сифатида қарамаяпти. Қуриган денгиз тубида яшил ҳудудлар барпо этиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергияни ривожлантириш – муаммо қанчалик катта бўлмасин, унга муносиб ечим топиш керак. Нутқда Орол фожиаси бутун инсониятга тегишли сабоқ сифатида тилга олинди.

Бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири – сунъий интеллект. Бир неча йил аввал тасаввур қилиш қийин бўлган технологиялар бугун кундалик ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. У таълим, тиббиёт, ишлаб чиқариш, давлат бошқаруви ва бизнесда катта имкониятлар яратмоқда. Аммо ҳар қандай катта имконият катта масъулиятни ҳам талаб қилади. Асосий савол шундай: Технология инсон ҳаётини қандай яхшилайди? Сунъий интеллект инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, хавфсизлиги, тенг имкониятлари ва шахсий дахлсизлигига зарар етказмаслиги керак. Технологик тараққиётнинг маъноси инсонни технологияга мослаштириш эмас, балки технологияни инсон манфаатига хизмат қилдиришдир. Бу масалада халқаро ҳамкорлик ва умумий қоидалар тобора муҳимлашиб боради.

Нутқнинг яна бир муҳим жиҳати – қонун устуворлиги масаласидир. “Ҳокимият қонундан устун эмас” деган тамойил давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим мезонлардан бири. Чунки инсон судга мурожаат қилганида унинг кимлиги эмас, ҳуқуқи муҳим бўлиши керак. Адолатга ишонч – жамият барқарорлигининг муҳим пойдеворидир. Шу маънода, Тошкент халқаро молия марказида инглиз ҳуқуқи принципларига асосланган алоҳида халқаро тижорат судини ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистоннинг ҳуқуқий муҳитни янада ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ.

Аёллар ҳуқуқи ва имкониятлари масаласи ҳам бугунги тараққиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Болалар меҳнати ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам бериш, оиладаги зўравонлик учун жавобгарликни кучайтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш – буларнинг барчаси инсон қадрини таъминлашга қаратилган чоралардир. Хотин-қизларнинг билим олиши, касб эгаллаши, тадбиркор бўлиши ёки давлат бошқарувида фаол иштирок этиши – бу, фақатгина шахсий ютуқ ҳисобланмайди. Биргина аёлнинг натижаси оиланинг, жамиятнинг, ва албатта, мамлакатнинг имкониятларини кенгайтиради. Бугун парламент аъзоларининг 39 фоизини аёллар ташкил этаётгани ҳам бу йўналишдаги ўзгаришларни яққол кўрсатади.

Нутқнинг халқаро сиёсатга оид қисми барчага бир оддий ҳақиқатни англатади: бугунги глобал муаммоларни бирор давлат ёлғиз ҳал қила олмайди. Иқлим ўзгариши, пандемия чегарани тан олмаганидек, терроризм, киберхавфсизлик, экологик муаммолар, сув танқислиги ва бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳам сарҳад билмайди. Бу борада БМТ каби универсал мулоқот майдонларининг роли ва ўрни муҳим эканини унутмаслик керак. Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш, унинг қарорларини амалга ошириш салоҳиятини кучайтириш, барча давлатлар овози эшитиладиган тизимни ривожлантириш ҳақидаги қарашлари ҳам ана шу эҳтиёж билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқнинг умумий қоида сифатида эътироф этилиши ҳақидаги фикр эса яна бир муҳим тамойилни илгари суради: қоидалар ҳамма учун бир хил бўлсагина, адолатга ишонч мустаҳкам бўлади.

* * *

Тарихий нутқнинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда “инсон қадри” тушунчаси турли масалаларни бирлаштирувчи умумий мезон сифатида намоён бўлди. Тинчлик, иқтисодий ўсиш, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, технология, ва албатта, қонун инсон манфаатига қаратилган бўлиши лозим. Бир сўз билан айтганда, нутқнинг моҳиятида тараққиётнинг маъноси – рақамларни кўпайтириш эмас, инсон имкониятларини кенгайтиришдир, деган эзгу фикр мужассам. Тўғри, бугун дунё олдида жуда кўп саволлар турибди. Уларнинг айримларига тез, айримларига эса йиллар давомида жавоб изланади. Аммо битта мезон доим ўзгармаслиги керак: ҳар қандай қарорнинг марказида инсон ва унинг келажаги туриши лозим.

ТАРИХИЙ АДОЛАТ:

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ОҚЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Бугунги авлоднинг муқаддас бурчи ҳам ана шу шаҳидларнинг хотирасини ёд этмоқ, уларнинг руҳига эҳтиром кўрсатмоқдир.

Муҳтарам Президентимиз Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган асосий тантанадаги сўзларини ҳам эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз хотирасига таъзим бажо келтиришдан бошлаганлари бежиз эмас.

Шу ўринда бир жиҳатни қайд этиш жоиз. Бугун инсон қадрини улуғлаш ғоясини рўёбга чиқариш давлатимиз ва жамиятимизнинг энг эзгу ва олий мақсадига айланган.

Бу мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эса халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллатимиз ва мамлакатимиз саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг покиза номларини абадийлаштириш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришдир.

Албатта, Давлатимиз раҳбари қайд этганларидек, **Ватан озодлиги ва миллий Истиқлол йўлида жонини фидо қилган Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг ҳуррият ҳақидаги орзу-ниятлари бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга чиқмоқда.**

Буюкларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, уларнинг номини абадийлаштириш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, қатъий сиёсий ирода туфайли яқин ўтмишни тадқиқ ва талқин қилишда ҳам холислик ва адолат таъминланмоқда.

Ҳатто Мустақиллик йилларида ҳам исмини да айтишга “эҳтиёткорлик” билан ёндашиладиган миллат фидойилари, ҳақиқий қаҳрамонлар номи оқланмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши бу борадаги ишларни ҳар жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Биргина мисол: кейинги беш йилда Бош прокуратура томонидан 1920–1950 йилларда сиёсий қатағонлар қурбони бўлган қарийб 1 минг 400 нафар шахсни оқлаш юзасидан Олий судга протестлар киритилди.

Маълумки, сиёсий қатағон қурбонларини оқлаш ва реабилитация қилиш нафақат муайян шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини, балки халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, ҳақиқатни қарор топтириш ва адолатни юзага чиқаришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шўролар давридаги оммавий сиёсий қатағонлар оқибатида минглаб юртдошларимиз асоссиз равишда таъқиб қилинди, қамоққа олинди, қатл этилди, сургун қилинди ёки мол-мулки мусодара этилди. Уларнинг кўпчилигига “аксилинқилобчи”, “босмачи”, “миллатчи”, “халқ душмани” каби сиёсий тамғалар босилди.

...Оқланганлар орасида миллий истиқлолчилик ҳаракати ва миллий давлатчилик тарихида муҳим ўрин тутган, ўз даврида халқ манфаати йўлида фаолият юритган бир қатор таниқли шахсларнинг борлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Улардан бири **Иброҳим Чакабаев (Лақай)**дир. У Туркистон истиқлолчилик ҳаракати тарихида муҳим из қолдирган шахс сифатида тарихдан ўрин олган. Унинг номи узоқ йиллар давомида совет даври тарихшунослигида бирёқлама ва салбий талқин қилинди. Оқлов жараёни эса Иброҳим Лақай ва унинг сафдошлари фаолиятига архив ҳужжатлари ва холис тарихий ёндашув асосида қайта назар ташлаш имконини берди.

Носирхонтўра Саййид Камолхонтўра ўғли ҳам ўз даврининг сиёсий, маърифий ва диний ҳаётида фаол иштирок этган, миллий ва маънавий қадриятларни асрашга интилган зиёлилардан бири эди. Унинг номи ҳам қатағон даврида сиёсий айбловлар билан боғланган. Носирхонтўранинг оқланиши миллий ва диний-маърифий ҳаётимиз тарихида ўчириб ташланган саҳифаларни тиклаш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.



Шунингдек, **Муфти Садриддинхон Шарифхўжаев**нинг оқланиши ҳам катта тарихий аҳамиятга эга. У ўз даврида диний илм ва маърифат соҳасида фаолият юритган, жамиятнинг маънавий ҳаётида муносиб ўрин тутган уламолардан бири эди.

Қатағон қурбонлари орасида давлат ва ҳуқуқ тизимида масъулиятли лавозимларда ишлаган, ўз касбий фаолияти билан мамлакат тараққиётига хизмат қилган шахслар ҳам бор эди. Хусусан, **Саъдулла Қосимов** Ўзбекистон Олий судининг биринчи раиси сифатида суд-ҳуқуқ тизими шаклланишининг дастлабки даврида фаоллик кўрсатган.

Бадриддин Шарипов ҳам қатағон сиёсати қурбони бўлган давлат ва ҳуқуқ соҳаси вакилларидан бири сифатида тарихимизда алоҳида ўрин тутади. У Ўзбекистон Бош прокурори ўринбосари сифатида ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш тизимида хизмат қилган. Унинг тақдири ўша даврда давлат аппаратида хизмат қилган кўплаб мутахассислар ҳам сиёсий таъқиблардан четда қолмаганини кўрсатади. Бадриддин Шариповнинг оқланиши унинг шаъни ва ҳуқуқларини тиклаш билан бирга, совет давридаги ҳуқуқий тизим ва сиёсий қатағонлар тарихини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

Бу инсонлар ишига оид ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам инсоний нуқтаи назардан ўта даҳшатли воқеликларни кўриш мумкин.

Эътибор беринг: ўлимга ҳукм қилинганларнинг бирон-бир айби белгиланган тартибда судда исботланмаган, ҳатто улар судсиз ҳам жавобгарликка тортилган.

Бу шахслар дастлабки тергов даврида ўзларига қўйилган айбловларни инкор этса-да, уларни айблаш учун сохта гувоҳларнинг кўрсатмалари асос қилиб олинган.

Айрим “айбдорлар” фақатгина ўзбек тилини билган ва араб алифбосида ёзма тушунтириш берган. Шунга қарамасдан, тергов ҳаракатлари бошқа тилларда олиб борилган, уларга ҳеч ким таржимон ёки тегишли мутахассис хизматидан фойдаланиш имконини бермаган. Хулоса шуки, ҳеч бир асосли далилсиз инсон ўлимга маҳкум этилаверган.

Албатта, қатағон қурбони бўлган бундай тарихий шахслар ҳақида, уларнинг фаолияти, меросининг аҳамияти тўғрисида олимларимиз, тарихчи ва мутахассислар салмоқли изланишларни олиб бормоқда, жамоатчилик бундай ишларнинг амалий натижаларидан мунтазам хабардор қилинмоқда.

Бироқ, масаланинг бошқа жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, деган фикрдамиз.

Гап шундаки, Давлатимиз раҳбари доимо марҳумлар, айниқса, эл-юрт манфаатлари йўлида жонини тикканлар руҳига эҳтиром ҳақида гапирадилар, бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берадилар. Жумладан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича муҳим ташаббусларнинг мунтазам илгари сурилаётгани ҳам бежиз эмас. Бизнингча, аввало, бундай ташаббусларнинг аҳамиятини чуқур тушунишимиз, қалбдан ҳис қилишимиз ва ёшларга атрофлича тушунтиришимиз зарур. Зеро, кўплаб миллат ва элатлар қатори бизнинг халқимиз ҳам яқин ўтмишдаги мустамлакачилик даврида содир этилган кенг кўламли мудҳиш қатағонни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Совет қатағонларининг фожиали жиҳатларидан бири ҳам шундаки, мустабид тузумнинг тиғи биринчи галда миллатимизнинг энг сара, зиёли, ноёб истеъдодли, ҳурфикрли, халқпарвар, эрксевар фарзандлари кўксига қадалди. Уларнинг ягона айби миллати ва юртини ҳаддан зиёд севиши, унинг эркин ва фаровон яшашини орзу қилиши эди. Бинобарин, улар хотирасини абадийлаштиришга эътибор ҳам ҳикматдан холи эмас.

Афсуски, бугун дунёнинг турли нуқталарида ўша даврларни қўмсайдиган гуруҳлар пайдо бўлмоқда, мустабид тузум услубларини идеаллаштиришга интилиш кучаймоқда, қатағон кампаниялари тепасида турганларнинг номлари гоҳи ошкора, гоҳида пинҳона “ҳурмат” билан тез-тез тилга олинмоқда.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз шаҳид кетган аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти мисолида ҳақиқатни англаб етмаса, бугунгидек эркин ҳаётнинг қадрини тўлиқ англамаслиги, турли фитналарнинг навбатдаги қурбони бўлиши мумкин.

Шу боис, қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш ва уларнинг мустақиллигимиз йўлидаги ҳаракатларини, орзу-армонларини кенг тарғиб этиш ишлари умуммиллий ҳаракатга айланиши зарурлиги таъкидланмоқда.

Дарҳақиқат, қатағоннинг даҳшатли сояси тушмаган бирор соҳа, тармоқ ёки маҳалла қолмаган.

Эътибор беринг: шўролар қатағонларининг даҳшатли даврида минглаб бегуноҳлар қаторида прокуратура тизими вакиллари ҳам кўплаб мусибатларга дучор бўлди.

Ори ва номусини ҳар нарсадан устун қўйиб, ноҳақликларга қарши борган, қатъият кўрсатган, чин маънода довюрак ва ватанпарвар маҳаллий ходимларнинг қарийб 200 нафарига жиноят иши қўзғатилган, 30 нафари эса отиб ташланган.

Аламлиси шундаки, қатағонга учраганларнинг аксарияти нафақат суд-ҳуқуқ тизимининг фидойи вакиллари, балки эл-юрт тақдири учун куюнган, унинг саодати йўлида борини беришга тайёр бўлган миллатимизнинг садоқатли, салоҳиятли, ноёб истеъдодли фарзандлари эди.

Жумладан, 1920–1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси адлия халқ нозири ва республика прокурори бўлиб ишлаган **Абдураҳим Юсуфзода** тараққийпарварларнинг “Ёш бухороликлар” ҳаракати етакчиларидан бирига айланган.

Унинг ташаббуси билан Бухоро шаҳрида учта суд биноси барпо этилган, судлов органларида биринчи бор апелляция органи – “Таниз маҳкамаси” (“Арз маҳкамаси”) ташкил этилган, судьяларни олим, фозил, насл-насабли номздлардан саралаб тайинлаш йўлга қўйилган, тарихий-меъморий обидалардан ҳибсхона сифатида фойдаланиш амалиётига барҳам берилиб, улар қайта тикланиб, Бухоро маданият музейига айлантирилган.

Айнан Абдураҳим Юсуфзоданинг саъй-ҳаракатлари билан 1924 йилда Москвада рус ва ўзбек тилида “Бухарская жизнь” номли журнал ҳамда Ўзбекистондаги илк киностудия – “Бухоро-Рус киножамияти” ташкил этилган.

Абдураҳим Юсуфзода 1924 йилда Россия ҳаво флоти – “Добролёт” билан шартнома имзолаб, Бухоро-Хива-Тошкент-Олмаота йўналишларида ҳаво қатнови ва почтани йўлга қўйган, “Юнкерс” фирмасидан олтита самолёт харид қилинишига эришган. Афсуски, бу миллатпарвар шахс 1936 йилда НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинган ва 1937 йилда отувга ҳукм қилинган.

Қатағон йилларида ноҳақ айбланган яна бир прокурор **Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода** араб, форс, рус ва турк тилларини мукаммал билган. У 1916 йилда Жиззах қўзғолони қатнашчилари устидан суд жараёнида 30 дан ортиқ жиззахликларни ўлимдан сақлаб қолган.

Ўзбекистон Адлия халқ комиссарлиги ҳузуридаги прокуратуранинг терговчиси, Зарафшон округ катта терговчиси, Бухоро прокуратураси терговчиси лавозимларида ишлаган Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзоданинг уйида жадидлар – Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби маърифатпарварлар тез-тез учрашиб туришгани, эл-юрт қайғуси уларни бирлаштиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Дарвоқе, Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода нафақат прокурор, балки етук олим, зиёли ҳам бўлган, дейиш мумкин. Зотан, у “Жиззах қўзғолони”, “Намоз шайкаси”, “Тоғ қизи”, “Истаджон”, “Қамчиндан қон томади” каби тарихий воқеаларга бой роман, қисса, ҳикоя ва очерклар ёзган, биология, антропология, зоология, ботаника дарсликларини рус тилидан ўзбек ва тожик тилларига таржима қилган.

Умуман олганда, қатағонга учраган ўнлаб ходимлар давлат ва сиёсат арбоби даражасига етган эди. Бугунги кунда улар ҳақида залворли китоблар, календарь-тақвим яратилди, шунингдек, ҳар бири бўйича алоҳида монография ва ҳужжатли фильмлар тайёрланмоқда. Уларнинг оиласи ва бошқа яқин кишилари рўйхати тузилиб, ижтимоий аҳволи ўрганиляпти. Кўча, маҳалла ва мактабларга жувонмарг миллат ойдинлари номларини бериш ҳамда ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Бош прокуратуранинг “Ўзбекистон прокуратураси тарихи музейи”да алоҳида бурчак ажратилиб, унда қатағон қилинган прокуратура ходимларининг маълумотлари ва тегишли тарихий кўргазмалар жойлаштирилди.

Прокуратура тизимида ишлаб, ноҳақ айбланган ва қатағон қилинганларга оид бундай маълумотлар кўп эканини ўзимиз ҳам яқинда англаб етдик. Асосийси, уларнинг ҳар бирининг таржимаи ҳоли бугунги жамиятимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ибратли саҳифаларга бой.

Табиийки, Президентимиз кўрсатмаларидан кейин биз ноҳақлик азобларини тортган тизимимиз ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг жасоратини ёш авлодга етказиш бўйича аниқ ишларни бошладик. Хусусан, махсус Фармойиш билан қатағон қурбони бўлган прокуратура ходимларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “йўл харитаси”, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигида ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Гуруҳга прокуратура ходимларидан ташқари, турли илмий муассасалар, музейлар ва бошқа тузилмалар вакиллари киритилгани муҳим аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, бу борада ҳамкорлик қилиш бўйича таклифларимиз Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи раҳбарияти томонидан ҳам қабул қилинди.

Бош прокуратура томонидан тайёрланган ва қатағонга учраган тизимимиз ходимларига бағишланган “Тарихий хотира беқиёс” номли 2 жилдлик китоб ана шундай ҳамкорликнинг илк натижаларидандир.

Қайд этиш ўринлики, бир мақола ёки тадқиқот доирасида қамраб олиш имконсиз бўлган бугунги жараёнларнинг моҳиятини, хайрли жиҳатларини осонгина таърифлаб бўлмайди. Айниқса, бир бегуноҳни оқлаш ўтмишни шунчаки тафтиш қилиш эмас. Оқлов инсон қадр-қимматини тиклаш, қонунсизликнинг оқибатларини тан олиш ва жамиятда адолат мезонларини мустаҳкамлашдир. Ўз навбатида, қатағон қурбонларининг номини тиклаш орқали уларнинг авлодларига ҳам тарихий ҳақиқат қайтарилмоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда амалга оширилаётган оқлов жараёнларини халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш йўлидаги муҳим воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Бу жараён ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз эканини яна бир бор намоён этади.

Оқланган ҳар бир инсон тарихнинг тикланган бир саҳифасидир. Ҳар бир тикланган ном эса халқ хотирасидаги бир адолатсизликнинг бартараф этилганидан далолатдир. Шу маънода, қатағон қурбонларининг оқланиши нафақат уларнинг, балки бутун жамиятимизнинг тарихий адолати тантанасидир.

ФАХР

ШАХМАТ МАМЛАКАТИ БЎЛАМИЗ!

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси мусобақасида 200 дан ортиқ мамлакатдан қарийб 2 минг нафар шахматчи, жумладан, жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари ва амалдаги чемпионлар орасида ғолиб бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ана шундай шиддатли ва муросасиз рақобат майдонида Ўзбекистон байроғини энг баланд чўққига кўтариш чинакам жасорат, юксак ақл-заковат ва мустаҳкам ирода намунасидир. Энг муҳими, ушбу улуғ ғалабага ўз Ватанимизда, миллионлаб юртдошларимиз кўз ўнгида эришилгани унга ўзгача руҳ ва шукуҳ бағишлади. Қаҳрамонларимиз амалдаги Олимпиада чемпиони – Ҳиндистон жамоасини таслим қилишди.



Қадимий шахмат мактаби ва кўплаб гроссмейстерларга эга бўлган Хитой жамоаси устидан тарихий ғалаба қўлга киритилди. Дунё рейтингида биринчи ўринни эгаллаб келаётган, олти карра Олимпиада чемпиони бўлган АҚШ жамоасидан ҳам устун келишди.

Президентимиз ғолибларни тақдирлаш маросимида ҳар бир чемпион ортида унинг меҳрибон ота-онаси, биринчи устози, маҳоратли мураббийлари ва қўллаб-қувватлаган бутун бир жамоа турганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу боис, қўлга киритилган буюк зафар – барча устозларнинг ҳам машаққатли меҳнати маҳсулидир. Давлатимиз раҳбари ўзбек шахматида янги даврни бошлаб берган жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга алоҳида мурожаат қилиб, устознинг орттирган тажрибаси бугун янги авлодга муваффақиятли ўтиб бораётганини қайд этди: “Устознинг энг катта ғалабаси – шогирдларининг ундан ҳам баланд марраларга чиқишидир!”

Мамлакатимизда кенг нишонланадиган Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида устозларнинг бундай эътироф этилиши рамзий маънога эга. Зеро, бугунги кунда ўзбек спорти, жумладан, шахматида ҳам авлодлар давомийлиги ва кучли мактаб яратилгани яққол кўзга ташланмоқда.

Мусобақа ва унинг юқори савияда ўтказилгани халқаро миқёсда ҳам ўз баҳосини олди. Жумладан, Ўзбекистон шахмат федерацияси Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) томонидан “Энг яхши федерация” деб эътироф этилди.

Шунингдек, Рустам Қосимжонов FIDE-нинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова эса Марказий Осиё бўйича минтақавий президенти этиб сайланди. Президентимиз мазкур юксак номларни Ўзбекистоннинг ҳақиқий “шахмат мамлакати” сифатида жаҳон майдонидаги нуфузи ва обрўси кун сайин ошиб бораётганининг яна бир яққол далили сифатида баҳолади.

Ютуқлар тасодиф эмас. Тўрт йил олдин Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида қўлга киритилган илк тарихий олтин медаль, 2024 йил Будапештдаги фахрли учинчи ўрин ва бугун Самарқандда қўлга киритилган иккинчи олимпиада чемпионлиги – буларнинг ҳар бирида аниқ мантиқий боғланиш бор. “Бу – мактаб, бу – тизим, бу – ўзбек шахматининг янги даражаси”, – деди Президентимиз.

Аввалари юртимизда иқтидорлар кўп бўлган, бироқ уларни бирлаштирадиган тизим етишмас эди. 2018 йилда қабул қилинган махсус қарордан сўнг мактабларда шахмат ўқитиш, малакали мураббийлар тайёрлаш ва клубларни ривожлантириш йўлга қўйилди. Шу ўринда Давлатимиз раҳбари келгусидаги энг улуғвор мақсадни эълон қилди: “Янги Ўзбекистонни нафақат Олимпиада чемпиони, балки дунё шахмат марказига айлантирамиз!”

Ўзбекистон ёшларининг зафарлари – Янги Ўзбекистон равнақининг муносиб ифодасидир. Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов ва бошқа ёш чемпионларимизнинг ғалабалари ортида минглаб тенгдошларининг орзу-умидлари ва шижоати ётибди. Зеҳн ўткирлиги ва ақл бовар қилмас матонат талаб қилувчи бу спорт турида эришилган натижалар шуни англатадики, Ўзбекистон фарзандлари ҳар қандай соҳада – хоҳ илм-фан, хоҳ санъат ёки спорт бўлсин – энг юқори чўққиларни забт этишга қодир. Бизнинг асосий бойлигимиз мана шундай билимли ва азму шижоатли ёшларимиздир. Галдаги вазифа – ушбу муваффақиятлар занжирини узмаслик ва шахматнинг ҳар бир хонадонга, ҳар бир мактабга кириб боришини таъминлашдир.

Ўктам ҲАМРАЛИЕВ

ХАЛҚАРО ФОРУМ

ТИНЧЛИК ВОДИЙСИ

Узоқ йиллар давомида Марказий Осиёдаги геосиёсий кескинликлар, можаролар ўчоғи сифатида кўрилган ҳамда чегаравий низолар билан тилга олинган Фарғона водийси бугун тинчлик ва тараққиёт марказига айланмоқда. Баҳсли ҳудудлар масаласи ечилиб, айрим келишмовчиликлар ўрнини эндиликда изчил иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ишончга асосланган илиқ муносабатлар эгаллаяпти. Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги Хўжанд ва Гулистон шаҳарлари мезбонлик қилган Иккинчи Фарғона тинчлик форуми ушбу янгиланиш даврининг амалий ифодаси бўлди.



Мазкур олий даражадаги халқаро анжуман уч қўшни давлат ўртасида муҳим бурилиш ясаган Хўжанд декларацияси имзоланганининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилди. Минтақанинг уч вилояти раҳбарлари, Марказий Осиё, МДҲ, Европа ва Америка мамлакатларидан келган расмий вакиллардан иборат уч юздан ортиқ иштирокчини бир майдонга жамлаган ушбу анжуман аниқ иқтисодий лойиҳаларга асосланган ҳаётий эҳтиёж эканини кўрсатди.

Хўш, ўн уч давлатдан вакиллар қатнашган, “Фарғона водийси: тинчлик, ишонч ва фаровонлик макони” мавзусига бағишланган мазкур форум ўтган йилгисидан қандай фарқ қилади? Биринчи анжумандан кўзланган асосий мақсад 2025 йил 31 мартда имзоланган давлат чегаралари туташув нуқтаси тўғрисидаги шартнома ижросини муҳокама қилиш эди. Унда мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича дастлабки таклиф ва концепциялар ишлаб чиқилганди. Бу йилги форум эса тарихий “Абадий дўстлик тўғрисида”ги Хўжанд декларациясининг бир йиллигига бағишланиб, унда асосий эътибор “Бизнес мулоқоти” платформасини ташкил этишга қаратилди.

Дастлабки кун стратегик, иқтисодий ва экологик йўналишдаги муҳокамаларга бағишланди. Уни Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори, профессор Хайридин Усмонзода кириш сўзи билан очиб бераркан: “Фарғона водийсида тинчлик, барқарорлик, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни таъминлаш бутун Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади”, дея таъкидлади. Тантанали маросимда, шунингдек, Суғд вилояти раиси Ражаб Аҳмадзода, Қирғизистон Республикаси Президентининг Боткен вилоятидаги мухтор вакили Мамиржан Раҳимов ҳамда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров нутқ сўзлади.

Форум доирасида Фарғона вилояти ҳокими тинчлик ва ўзаро ишончни амалий ҳамкорликка айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Ўтган йилги форумда биз доимий фаолият юритувчи “Марказий Осиё ёш тинчликпарварлари клуби”ни ташкил этиш, чегараолди ҳудудларида ёшлар оромгоҳлари, маданий фестиваллар ва спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш бўйича таклифлар билдирган эдик. Шунингдек, рақамлаштириш ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотлар ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини илгари сурган эдик. Шу ўринда, чегара олди ҳудудлари тадбиркорлари учун “Фарғона водийси бизнес мулоқоти”ни ташкил этиш ҳамда “Фарғона экспо” бизнес марказида келгуси йил феврал ойида учта ҳудуд тадбиркорлари иштирокида кўргазма ўтказишни таклиф қиламиз. Ушбу майдон орқали Фарғона, Суғд ва Боткен тадбиркорларининг доимий учрашувларини ўтказиш, кооперация лойиҳаларини шакллантириш, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизматлар соҳасида қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мумкин, – деди Хайрулло Бозоров.

Минтақадаги яқинлашув ва ҳамжиҳатликни юқори баҳолаган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам анжуман минбаридан туриб ўз муносабатларини билдирди. Хусусан, БМТ Бош котибининг махсус элчиси Каха Имнадзе, Европа Иттифоқининг махсус вакили Эдуардс Стипрайс ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти координатори Бакит Жусупов Фарғона водийсидаги бу ижобий ўзгаришлар бутун Марказий Осиё барқарорлиги учун ҳаётий аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этдилар.

Шу билан бирга, Халқаро миграция ташкилотининг Тожикистондаги ваколатхонаси раҳбари Виктор Лутенко, Конрад Аденауэр жамғармаси вакили ҳамда PeaceNexus жамғармаси ижрочи директори Катриона Гурлей ҳам ўз чиқишларида трансчегаравий алоқаларни мустаҳкамлаш, хавфсиз миграция ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, профессор Абдушукур Назаров томонидан тайёрланган “Минтақалараро ҳамкорлик: Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон иқтисодиётлари барқарор ривожланишининг истиқболлари ва омиллари” номли йирик жамоавий монография ҳам кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Расмий музокаралардан сўнг, анжуман дастури маданий ва маърифий тадбирлар билан давом этди. Фарғона ҳамда Боткен вилоятлари делегациялари Хўжанд шаҳридаги тарихи милоддан аввалги олтинчи-бешинчи асрларга бориб тақалувчи, йигирма саккиз мингдан зиёд ноёб тарихий ашёларни ўзида жамлаган муҳташам “Хўжанд қалъаси” мажмуаси ва ўлкашунослик музейини қизиқиш билан кўздан кечирди. Шунингдек, меҳмонлар ўзига хос миллий меъморлик намунаси ва юксак муҳандислик ечими билан дунёга машҳур бўлган “Арбоб” маданият саройи билан яқиндан танишдилар. Кун якунида ўтказилган катта байрам концерти халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва маданий муштаракликнинг чинакам тантанасига айланди.

Анжуман Гулистон шаҳрида жамиятни жипслаштириш ва халқ дипломатиясини кучайтиришга бағишланган рамзий “Ынтымак” (Бирлик) куни билан давом этди. Халқаро “Пийснакс” жамғармасининг Марказий Осиё бўйича дастурлари раҳбари Чинара Эсенгул модераторлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини фуқаролик жамияти даражасида янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Шундан сўнг иштирокчилар соҳавий шўъба йиғилишларида ишни давом эттирди. Зауре Сидикова раҳбарлик қилган сессияда доктор Зуфар Исмоилзода, Айжан Сатимбай қизи, Хуршида Ибрагимова ва Мунира Осимова Фарғона водийсида ўзаро ишончни тиклаш ҳамда нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилишди.



Ушбу нуфузли анжуманнинг асл моҳияти ва аҳамиятини тушуниш учун унда янграган сиёсий баёнотлар ортида турган оддий ҳаётий ҳақиқатларга эътибор қаратиш лозим. Масалан, илгари Фарғона, Суғд ёки Боткеннинг қайсидир қишлоғида яшовчи оддий ватандошимиз қўшни қишлоқдаги яқин қариндошининг тўйи ёки таъзиясига бориш учун юзлаб километр масофани босиб ўтиши, кунлаб божхона навбатларида туриши керак эди. Бугун эса чегараларнинг туташув нуқталари аниқланиб, тинчлик Декларацияси ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани сабабли, одамлар ўз яқинлари билан ҳеч қандай қўрқувсиз, ортиқча тўсиқ ва сарсонгарчиликсиз борди-келди қилмоқдалар.

Иккинчидан, “Фарғона водийси бизнес мулоқоти” платформаси оддий оилалар бюджетига бевосита дахлдордир. Бу бозорларимизда озиқ-овқат, кийим-кечак ва кундалик эҳтиёж молларининг арзонлашиши ҳамда сифати ошишига хизмат қилувчи тизимдир. Агар фарғоналик тадбиркор Суғддаги шериги билан тўғридан-тўғри шартнома тузса ёки боткенлик деҳқон ўз маҳсулотини қўшни вилоят бозорига тўсиқсиз олиб кирса, ортиқча воситачилар ўз-ўзидан йўқолади. Бу эса ўзаро савдо айланмасини кучайтириб, бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини таъминлайди.

Учинчидан, бу ислоҳотлар фарзандларимизнинг келажагига ҳам дахлдор. Анжуман доирасида режалаштирилаётган ёшлар оромгоҳлари, маданий байрамлар ва янги стартап лойиҳалари фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очади. Боткендаги Ақ-Сай қишлоғи мактаби мисолида кўрсак, чегарадош ҳудудлардаги мактаб ўқувчиларининг бир-бири билан дўстлашиши – эҳтимолий низоларга бутунлай нуқта қўйишнинг энг тўғри йўлидир. Болаларимизнинг ёшлигидан бир-бирини дўст ва биродар деб билиши барқарор тинчликнинг бош гарови ҳисобланди.

Иккинчи Фарғона тинчлик форуми Марказий Осиё давлатларининг ўз ички муаммоларини ташқи кучлар аралашувисиз, ўзаро ишонч ва тенг шериклик асосида ҳал эта олишининг олий намунаси бўлди.

Шаҳриёр ШАВКАТ
Хўжанд

ЁРУҒ ХОТИРАЛАР

УСТОЗЛАР УСТОЗИ


Шу кунларда жаҳон кино ихлосмандларининг диққат-эътибори Кристофер Нолан томонидан суратга олинган “Одиссея” фильмига қаратилган. Айни вақтда, “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан юртимиз китобхонларига Ҳомернинг “Одиссея” достонининг янги нашри тақдим этилди. Антик даврдан бугунгача яшаб келаётган мазкур асар башарият адабий меросининг бебаҳо гавҳаридир. Ижобий шов-шувлар фонида камина Ҳомерни ўзбекча сўйлатган устоз ва мумтоз таржимон ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ хотирасини ёд этмоқчиман.

* * *

Қодир Мирмуҳамедовнинг қизи Раиса билан университетда бирга ўқиганмиз. Бу қиз курсимизнинг камгап, камтарин, айни пайтда, ниҳоятда билимдон талабаларидан эди. Дугона бўлганимиз учун уйларида ҳам кўп бўлганман. Жуда ҳавас қиларли оила эди. Лекин у пайтларда Қодир ака ҳақида кам билардим. Ўзи ҳам бизнинг тасаввуримиздаги катта ижодкор, беқиёс таржимонга ўхшамасди. Оила даврасида оддий инсон, оила бошлиғи эди.

Бу инсон билан яқиндан танишувим битирув дипломи ёзиш даврида бошланди. Охирги босқичда талабалар уч гуруҳга бўлинди: адабиёт, тилшунослик ва таржима назарияси. Бир нечта курсдошларим билан таржима назариясини танладик. Бизга улуғ устозлар Ғайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Тилак Жўра сабоқ беришарди. Хуллас, диплом иши мавзусини аниқлаш ва изланиш жараёни бошланди. Кафедрадан мавзулар рўйхати таклиф қилинди. Нажмиддин Комилов шу вақтгача дубляж (фильмлар таржимаси) назарияси бўйича ҳеч қандай иш қилинмаганини айтиб, менга шу мавзуни олишни тавсия қилди. Ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

Бир куни “Ўзбекфильм” киностудиясининг дубляж цехига кириб бордим. Қодир Мирмуҳамедов билан учрашиб, мақсадимни айтдим. “Кутилмаган мавзу-ку, айниқса, бу мавзуда ҳеч қандай қўлланма йўқ, қийналмайсанми?” деди. “Мавзуни олдим. Ҳаракат қиламан. Материални тўплаб олсам бўлди”, дедим. Мени бўлим муҳаррирлари билан таништиришди. Худди шу пайтда “Тожикфильм” киностудиясида суратга олинган “Рустам ва Суҳроб” фильми русчадан ўзбек тилига ўгирилаётган экан. Хуллас, Қодир ака салкам тўрт ой дубляж студиясида бемалол шуғулланиб, зарур материалларни тўплашимда катта ёрдам берди. Иш юзасидан ўзларидан ҳам кўп фикрлар, маслаҳатлар олдим. Дипломни ёқлагач, устозларга, ижодкорларга, муҳаррирларга миннатдорлик билдирдим. Ҳаммалари самимий табриклашди.



Филология факультетини битиргандан сўнг баъзи сабабларга кўра, илмий иш ҳақидаги орзум амалга ошмади. Шунда дубляжда ишлаб кўрсам-чи, деган ўйда яна Қодир аканинг ҳузурига бордим. У киши мени “Ўзбекфильм” киностудияси директори, таниқли адиб Ўлмас Умарбековнинг ҳузурига олиб кирди. Ўлмас ака ниҳоятда маданиятли ва олижаноб шахс эди. Ҳозир менбоп иш йўқлигини, имкон бўлиши билан чақиртириб олишини минг бир хижолатда айтдики, ўзим уялиб кетдим негадир.

Сўнг Қодир ака мени киностудия қошидаги мультфильмлар суратга олиш цехига олиб бориб, цех раҳбари Светлана Муродхўжаева билан таништирди. “Шу қизга ижодий жараён ҳақида, бугунги кунда қандай мультфильмлар яратилаётгани тўғрисида маълумот берсангиз, газетага мақола тайёрлаб беради”, деди. Ўша куниёқ ҳамма маълумотларни олиб, уйга келганимдан сўнг биринчи марта мақола ёзишга ўтирдим. Яъни, санъат ҳақида ёзиш борасидаги илк топшириқни Қодир Мирмуҳамедовдан олгандим. Кейинчалик, “Ўзбекистон маданияти” газетасида иш бошлаганимда ҳам устоз билан тадбирларда учрашиб турдим. У киши ишларим билан қизиқиб, маслаҳатлар бериб турди.

* * *

Шуниси эътиборлики, кўп вақти дубляж гуруҳида ўтган бу инсон дунё китобхонлари қалбини забт этган асарларни рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгириб, юртимиз китобхонларига тақдим этишга ҳам улгурарди. Улар орасида Ҳомернинг “Илиада”, “Одиссея”, Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Робиндранат Тагорнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнгги достон”, Жованни Боккаччонинг “Декамерон”, Виктор Гюгонинг “Бюг Жаргаль”, Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Кришан Чандрнинг “Бир қизга минг ошиқ” каби қизиқарли, айни пайтда мураккаб асарлар бор.

Шунингдек, таржималар орасида драмалар, кўплаб бадиий фильмларнинг борлиги адиб маҳоратининг ёрқин далилидир. Хусусан, кино асарлари таржимасида ҳам устоз таржимоннинг алоҳида ўрни бор. Тасаввур қилиш учун “Уруш ва тинчлик”, “Журналист”, “Сан-гам”, “Қирол Лир”, “Бошсиз чавандоз”, “Сиёвуш ҳақида достон”, “Уйимиздаги эркак”, “Солдат отаси”, “Чангда қолган гул”, “Ҳеч ким ўлишни истамасди”, “Бир умрга тенг йил” каби фильмларни эслаш кифоя.

* * *

Газетадаги фаолиятим давомида ёзганларим орасида ўзим учун энг аҳамиятли ва қадрлиларидан бири Қодир Мирмуҳамедов билан суҳбатимиз эди. Бу учрашув 2010 йилда, адибнинг уйида бўлиб ўтганди.

Ўшанда устоз мутаржим 90 ёшда эди. Мени бир пайтлар дубляж студияси раҳбари сифатида қандай кутиб олган бўлса, Қодир акани ҳамон ўша самимият, очиққўнгиллик, бағрикенглик тарк этмаганди. Қадлари бироз чўкиб, сочлари оқарганини айтмасангиз, тўқсонни қаршилаётганига одамнинг ишонгиси келмасди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўзига шу гапларни айтганимда, бир хўрсиниб олиб, шундай деганди: “Мен тенгиларнинг сафи анча сийраклашиб қолди. Умр – оқар сув. Синфдошларимдан композитор Икром Акбаров билан иккимиз қолдик... Ҳаётда нимага эришган бўлсак, бу аввало, ота-онамизнинг тарбияси туфайли”.

Шуни айтишим керакки, Қодир ака ота-онаси ҳақида қанчалар меҳр билан гапирган бўлса, ўзининг фарзандлари ҳам бугун оталари ҳақида худди шундай меҳр, ҳурмат билан сўзлашади. Беш фарзандининг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб, отасига муносиб фарзанд сифатида турли соҳаларида ҳалол хизмат қилмоқда.

Ўша куни узоқ суҳбатлашдик. Устоз ижодкорнинг ҳаёт йўли ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олдим. Айниқса, навқирон йигитлик даври Иккинчи Жаҳон уруши йилларига тўғри келгани, урушнинг даҳшатли суронлари ичида кечгани ҳақидаги ҳикояларини катта ҳаяжон билан тинглаганман. Қодир ака кўрган-кечирганлари ҳақида маъюс, ўйчан ҳикоя қилаётган дамларда уруш йилларида унинг бошига тушган оғир синовлардан юрагим ўртаниб, бу синовнинг машаққатларини ич-ичимдан ҳис қилиб, бу инсоннинг иродаси қанчалар мустаҳкам эканига қойил қолиб ўтирардим. У кишини тинглаганим сари, ўзим яхши биламан, деб юрган инсон ҳақида ҳали деярли ҳеч нарса билмаслигимни сезиб қолгандим. Зеро, суронли жанглардан бирида асирга тушиб қолиб, тутқунликда бошдан кечирганларининг ўзи катта бир асар бўлгулик воқеалар эди.



Урушнинг даҳшатли чангалидан чиқиб, уйга қайтган Қодир аканинг олдида оилани боқиш вазифаси тургани учун Педагогика институтининг кечки бўлимида ўқиш билан бирга, кундузи ишлашга мажбур бўлади. Суҳбатимиз давомида институтда антик давр адабиёти фанидан адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон дарс бергани ҳақида тўлқинланиб сўзлаган, шунингдек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Миркарим Осим, Мирзакалон Исмоилий каби ижодкорларни устоз сифатида қадрлашини айтганди. Қодир аканинг: “Устозларимдан ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатишни, сўзни исроф қилмасликни ўргандим. Чунки қаҳрамоннинг нутқ маданияти, характери, қиёфаси сўзда намоён бўлади. Сўзма-сўз таржимада ҳар қандай асарнинг бадиий қиммати йўқолади”, деб айтган гаплари бугунги ижодкор ёшларга ибрат бўлса, ажабмас.

Бугун ижод оламига қадам қўяётган баъзи ижодкорларга сабоқ бўлиши мумкинлигини ўйлаб, Қодир аканинг ўгитларидан яна баъзиларини келтиришни лозим топдим:

“Бирор асарни ўгиришга киришган одамда масъулият ҳисси бўлиши керак. Яъни, дуч келган асарни олиб, шунчаки ўгириб ташлайверган билан иш битмайди. Таржимон, аввало, асар муаллифи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, унинг қандай асар устида иш бошлаганини тушуниши керак”;

“Асар таржимасига қўл урганда ёзувчи шахсини, у яшаган жойни, даврни, кишилар ҳаётини, муҳитни ўрганиш керак бўлади. Бусиз ҳаққоний таржима асари яратиш мушкул”;

“Таржима жараёнида синоним, антоним, омонимлардан фойдаланишни, буларнинг қаҳрамон нутқини беришдаги аҳамиятини, умуман, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатишни, сўзни исроф қилмасликни ўрганиш лозим”;

“Таржима учун қўлга олинган асар мутаржимнинг дилига яқин, унинг дунёқараши асар муаллифининг ижодий қарашлари билан муштарак бўлиши зарур”.

Халқда “Камтарга камол” деган нақл бор. Мен Қодир Мирмуҳамедовда камтарликнинг камолини – энг юксак ифодасини кўрган эдим. Одам қандай қилиб, шунча катта ишларни амалга ошириб ҳам камтарликни қўлдан бермаслиги мумкинлигини тушунмасдим. Кейинчалик ўйласам, бу барча улуғларга хос фазилат, балки улуғликнинг айни ўзи экан.

Гулчеҳра УМАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“JADID” KUTUBXONASI”

ШУНДАЙ КИТОБЛАР КЕРАК!

ОЛТИНЧИ ТЎПЛАМ

Таҳририят бошлаган эзгу ташаббус изчил давом этиб, қисқа муддатда “Jadid” kutubxonasi” рукнида нашр этилган чин жадидона, жамиятни уйғоқ ва огоҳ яшашга даъват этувчи китоблар сони олтитага етди: икки жилдда “Тилда, фикрда, ишда бирлик!”, шунингдек, заҳматкаш олимларимиз Рустамбек Шамсутдиновнинг “Миллат фидойилари” ва Баҳодир Каримнинг “Ботмасин чиққан қуёш” ҳамда истеъдодли ёш ижодкор Шаҳриёр Шавкатнинг “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” асарлари сафига газетанинг доимий муаллифи, “Зиё” медиа маркази раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдулҳамид Мухторовнинг “Эътиқод остонасидаги “Троя оти” номли тўплами қўшилди.

Ўзбекистон халқ шоири, “Jadid” газетаси бош муҳаррири Иқбол Мирзонинг китобга сўзбоши ўрнида тақдим этилган “Рўё ва ҳаёт оралиғи” ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори бош маслаҳатчиси Бахтиёр Тўраевнинг сўнгсўз ўрнида берилган “Катта ўйинлар”-дан огоҳлантирувчи китоб” номли мақолалари ўқувчиларга асар мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаб етишда кўмакчи вазифасини бажаради.

Замонавий ахборот жараёнлари ва жамият келажагига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига, хусусан, олимлар, педагоглар, маънавият тарғиботчилари, диний соҳа мутахассислари, журналистлар, ўқувчи ва талабалар учун мўлжалланган (фикримизча, ёш аскарларимиз ҳам, албатта, ўқиши зарур) китоб “Tafakkur” нашриётида 3 минг нусхада дунё юзини кўрди.

ЕТТИ БЎЛИМЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

Тўплам мундарижасини ташкил этган етти бўлимнинг “Сарҳадсиз майдон”, “Илдизлар сояси”, “Емирилиш жараёни”, “Тафаккур ва тараққиёт”, “Ақллар рақобати”, “Китоб қадри”, “Миллат таянчи” дея номланиши китоб сарлавҳасига “Онг, ахборот ва замон ҳақида мулоҳазалар” деган тагсарлавҳа бежиз илова қилинмаганини кўрсатади. Бу бўлимлар муаллифнинг “Jadid” газетасида яқин бир-икки йил оралиғида эълон қилинган 20 га яқин мақоласини туркумлайди. Гарчи бўлимларга ажратилган бўлса-да, бу мақолаларни мазмунан бирлаштирувчи битта нуқта мавжуд, у ҳам бўлса, жамиятни бугунги хавф-хатарлардан огоҳ этиш ва тобора глобаллашиб бораётган дунёда миллий ўзликни сақлаб қолиш истагидир. “Геомаънавий таҳдидлар қаршисидаги Ватан”, “Шод кетиб, истироб билан қайтманг!”, “Манфаатпарастлик эпидемияга айланса”, “Келажак ёшлар қўлида. Ёшлар-чи?”, “Сунъий идрокли дунё”, “Курашади икки тўлқин, қараб турайми?!”, “Бир киши ўқиётган китоблар”, “Ноширнинг дарди”, “Сафарнома сабоқлари”... бу мақолаларнинг ҳар бирида шундай овоз – замон даъвати баралла эшитилиб туради. Дарвоқе, салмоқли ҳажмга эга бу мақолаларнинг ҳар бири яна кичик сарлавҳаларга бўлинган ҳолда тақдим этилиши мавзунинг янада тушунарли ва равон ёритилишини таъминлайди. Китобда ҳар бир мақола “Jadid” газетасининг қайси сонида эълон қилингани кўрсатиб ўтилгани ҳам эътиборлидир.

Аннотацияда қисқа ва тўғри изоҳ берилганидек, тўпламда глобал ахборот макони, инсон онги, эътиқоди ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатаётган замонавий жараёнлар илмий-публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Геомаънавий таҳдидлар, радикализм ва экстремизм, ахборот манипуляцияси, рақамли платформаларнинг онгга таъсири, тарихий хотира, миллий ўзлик, тил, илм-фан ва технология тараққиёти билан боғлиқ масалалар ҳаётий мисоллар, эксперт мулоҳазалари ва халқаро тажрибалар асосида ёритилган. Тўплам ўқувчини рост ва ёлғон, талқин, ҳаёт ва рўё ўртасидаги нозик чегарани англашга, ахборотни танқидий баҳолашга, мустақил ва уйғоқ фикрлашга ундайди.

БИР МАҚОЛА МИСОЛИДА

Келинг, юқорида билдирилган фикрлар далилини тўпламдан ўрин олган “Геомаънавий таҳдидлар қаршисидаги Ватан” номли бир мақола мисолида кўриб чиқайлик. Мақола “Энди фронт чизиғи йўқ” деган кичик сарлавҳа билан бошланади ҳамда унда бугунги талотўп дунёнинг беҳаловат манзаралари ихчам ва таъсирчан тарзда очиб берилади. Сўнг “Геомаънавият ва геомаънавий таҳдид” сарлавҳаси билан муаллиф таклиф этаётган “геомаънавият” тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилади: “Онгни забт этиш, бўйсундириш ва бошқаришнинг турли усуллари мавжуд. Бундай усулларнинг барчасини яхлит ҳолда “геомаънавий таҳдид” атамаси билан ифодалаш мумкин”.

Мақоладан ўрин олган кейинги кичик сарлавҳаларга эътибор қилинг: “Геомаънавий хавфсизлик”, “Геомаънавий таъсир механизмлари”, “Ташқи омиллар”, “Қисқа форматлар ва яширин радикаллашув механизми”, “Ижтимоий оқибатлар: қутбларлашув ва ҳуқуқий онгнинг заифлашуви”, “Ахборот манипуляцияси ва психотехнологик таъсир”, “Рақамли манипуляциянинг институционал мисоли”, “Манзилли таъсир механизми”, “Онгга йўналтирилган ахборот таъсири”, “Алгоритм ва таргетинг орқали таъсир”, “Мувофиқлаштирилган сохта фаолият (CIB)”, “Радикализм ва экстремизмнинг медиалашуви”, “Европа институционал таҳлиллари”, “ИШИДнинг рақамли коммуникация воситалари”, “Ал-Қоида” ва “Inspire” журнали”, “Ал-Шаббаб” ва медиа марказлар”, “Радикал шиалик оқимида медиатарғибот”, “Ҳизб ут-Таҳрир” ғояларининг рақамли тарқалиши”, “Бинар риторика ва манипулятив схемалар”, “Энг хавфли геомаънавий таҳдид”, “Геомаънавий таҳдидлар қаршисидаги ички заифликлар”, “Миллий ахборот маконида кузатилаётган ҳолатлар” ва ниҳоят, “Онг учун курашда ютқазиш мумкин эмас”. Ўйлаймизки, мана шу номларнинг ўзиёқ ўқувчига бугунги давр учун ниҳоятда долзарб бўлган мавзу ҳақида қизиқарли таҳлилни ваъда қилади.

Муаллиф таълим тизими, маданий дипломатия ва дин йўналишларида кузатиладиган геомаънавий таъсир механизмлари хусусида сўз юритар экан, одатда, аксарият одамлар қизиқишини тортадиган хорижий стипендиялар, грантлар, тил курслари, академик алмашинув дастурлари, турли фестиваллару маданий тадбирлар, кино ва мусиқа маҳсулотлари намойиши замиридаги ёт дунёқарашни шакллантириш, янги стандартлар, ўзгача билим мезонлари ва бегона қадриятлар тизимини шакллантириш таҳдидларидан огоҳ этади. Албатта, “текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади”. Жамият учун жозибали кўринган бундай “беғараз” дастурлар одамлар онгида муайян бир давлат, халқ ёки маданий маконга нисбатан хайрихоҳлик ҳиссини юзага келтиришга хизмат қилади. Аслида, “юмшоқ куч” тамойилига асосланган бундай ташқи таъсирлар “аҳоли дунёқараши, ахлоқий мезонлари ва маънавий қадриятларига бевосита дахлдор бўлгани жиҳатидан геомаънавий таҳдидлар тизимида энг таъсирчан ва узоқ муддатли омиллардан бири ҳисобланади”.

Мақолада “халқ, инсон онги, Ватан ва суверенитет учун муқаррар хавф туғдирадиган геомаънавий таҳдидлар”нинг энг муҳим ва қудратли қуроли бўлмиш ахборот хуружлари батафсил ўрганилади. Масалан, бугун бир халқ вакилларининг бошқа бир халқ ёки давлатга нисбатан билдираётган нохолис фикрларига дуч келамиз. “Айтди-қўйди-да, аслида, ундай эмас-ку”, дея асло хаспўшлаш мумкин бўлмаган бундай хатти-ҳаракатлар айнан геомаънавий таҳдиддир. Бундай мақсадли “ахборот хуружлари” аста-секин миллий бирликка рахна солади, жамоатчиликнинг онгига, кайфиятига таъсир қилиб, бошқа бир давлат суверенитетини мунтазам муҳокама объектига айлантириш орқали руҳий босимни вужудга келтиради.

Элчилик, деймиз, жамиятда ўзининг собит фикрига эга инсонлар билан бир қаторда, ёт тарғиботларга осон алданиб қоладиган одамлар ҳам йўқ эмас-да. Балки, улар сони биринчи гуруҳдан кўпроқдир. Хўш, улар “қармоқ”қа қандай илиниб қолади? Қармоқда уларни жалб этадиган қандай “хўрак” турибди? Жаҳоннинг етакчи мутахассислари фикрига кўра, бугун ижтимоий тармоқ – шуни тўртармоқ дейлик, шу атама унга ҳар тарафлама мос келяпти – тўртармоқлардаги қисқа видео форматларининг таъсири тўлиқ метражли бадиий ёки ҳужжатли фильмлардан ҳам кучли бўлиши мумкин. Чунки улар қисқа вақт ичида юқори эмоционал таъсир қолдириш, аудитория диққатини ушлаб туриш ва хабарни соддалаштирилган шаклда узатиш имконига эга.

Муаллифга кўра, айни пайтда радикал ва экстремистик тарғиботда ҳам айни шу форматлар фаол қўлланмоқда. Хавфли ғоялар кўпинча “қувноқ”, “оддий ҳаёт ҳақиқати” ёки “шахсий тажриба” кўринишида юмшатилган ҳолда тақдим этилади. Натижада аудитория бу каби мазмунни дарҳол хавф сифатида қабул қилмайди. Бу ҳолат “яширин радикаллашув” деб аталадиган



механизмни юзага келтиради. Унга кўра, шахс аввал радикал ғояни қизиқ маълумот ёки муқобил фикр, кейин эса оддий ҳақиқат сифатида қабул қилади, лекин вақт ўтиши билан мазкур қарашни ҳимоя қилишга тайёр ҳолатга етиб келади. Айнан шу жараён радикаллашувни яширин ва босқичма-босқич юзага чиқаради. Шу сабабли, террористик ва экстремистик гуруҳлар радикал ғояларни медиа маҳсулот кўринишида тарқатиш стратегиясидан унумли фойдаланмоқда. Бундай тарғиботнинг геомаънавий таҳдидлар ичида энг хавфли шакллардан бирига айланишининг асосий сабаби, унинг инсон онги, ахлоқий мезонлари ва маънавий эътиқодига бевосита таъсир кўрсатиш қобилиятидадир. Чунки, диний мазмунда тақдим этилган ғоялар кўп ҳолларда “муқаддас ҳақиқат” сифатида қабул қилинади.

Тўртармоқдаги изоҳларга бир қаранг: асосан негатив фикрлар, бир-бирини онлайн ҳақорат қилаётганлар билан тўла. Жамиятда бундай бўлинишларнинг кучайиши, одамлар ўртасида муросасизлик ортиб, бағрикенглик ва мулоқот маданиятининг йўқолиб бориши, ҳуқуқий онгнинг заифлашиши, давлат институтлари, қонун ва ҳуқуқий тартибга нисбатан ишонч сўниб, ёввойи ҳиссиётларга эрк берилиши – буларнинг барчаси тўртармоқдаги ахборот манипуляциялари билан боғлиқ эмасми, деган савол туғилади. Жамиятда юзага келадиган худди мана шу парокандалик мақолада яқин тарихимизда, ён-атрофимизда, дунёда содир бўлаётган аниқ воқеалар мисолида очиб берилади.

Бугун онг учун кураш ғоят қизғин паллага кирган бир замонда аввалги даврларда фаол ишлаган “жосус”лик хизматига ҳам эҳтиёж қолмагандай. Чунки, жамиятнинг, одамларнинг ўзи барча маълумотларни ўз қўллари билан тақдим этиб турибди. Сизнинг тўртармоқда қолдирган ҳар бир “рақамли из”ингиз – лайклар, изоҳлар, кўрилган видео ва ўқилган материаллар, обуналар, қидирув сўровлари ва онлайн фаоллик вақтлари сизнинг “рақамли портрет”ингизни шакллантиради. Бу маълумотлар тизимли ўрганилиб, аудиторияга таъсир кўрсатиш механизмлари ишлаб чиқилади, “яъни аввал аудитория маълум психологик белгилар асосида гуруҳларга ажратилади, кейин эса ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ахборот сценарийлари ишлаб чиқилади. Натижада ҳар бир шахсга унинг қўрқуви, қизиқиши, қадриятлари ёки ижтимоий қарашларига мос бўлган ахборот импульси узатилади”. Алгоритмлар ва контент муҳити ижтимоий инқирозга олиб келишига мисол тариқасида келтирилган Мьянма воқеаси таҳлилини, албатта, ўқувчиларимиз мақоланинг ўзидан батафсил ўқиганлари маъқул, унда “Facebook”даги нафратга йўғрилган тарғибот ва тизгинсиз дезинформация юз минглаб кишилар ҳаётини вайрон қилгани далиллаб берилган.

Мақолада манфаатдор кучлар ўз мақсадлари йўлида олиб бораётган изчил ва тизимли ҳаракатлар ҳамда жамият олдида турган хавф-хатарлар аниқ-тиниқ баён этилар экан, геомаънавий хавфсизликни таъминлашга оид зарур стратегик чоралар ҳам кўрсатиб ўтилади. Бу таъсирларни тизимли таҳлил қилиш, уларга тезкор жавоб бериш, самарали контр-нарратив яратиш, жамиятда танқидий фикрлаш ва медиасаводхонликни ривожлантириш, айниқса, ёшларда ахборотни фарқлаш, манбани текшириш ва манипуляцияни англаш кўникмаларини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг маънавий иммунитетини ошириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилади.

Бундай долзарб мулоҳазалар “Эътиқод остонасидаги “Троя оти”, “Яхшилик элчиси”, “Сунъий идрокли дунё”, “Курашади икки тўлқин, қараб турайми?!” сингари мақолаларда ҳам мантиқан давом этади. Масалан, француз шарқшуноси, сиёсатшунос ва диншунос эксперт Оливье Руанинг: “Ислом радикаллашяптими ёки радикаллашув исломлашяптими?..” деган истеҳзоли саволи ўқувчини фикр юритишга ундайди. Бугунги даврда оммалашган бир фалсафанинг очиб берилиши ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. У қандай фалсафа бўлди, дейсизми? Бу – босқин фалсафаси. “Ҳа, шундай ибора бор. Бирор халқни босиб олиш ва давлатни истило этишни оқловчи фалсафий қараш у. Унга кўра, истилочи – халоскор, босқинчи – адолат курашчиси”.

Лекин халоскор кучларга ҳам, босқинчиларга ҳам илм керак. Чунки, бугун ҳарбий жангларнинг-да моҳияти ўзгарган. Бугун “маълумот – янги нефтдир” деган ибора пайдо бўлгани бежиз эмас. Чунки, “ҳарбий стратегияда энг муҳим нарса бу – маълумот. Ким ахборотни тезроқ тўпласа, тезроқ таҳлил қилса ва тўғри қарор қабул қилса, ўша томон тезроқ устунликка эришади. Бироқ замонавий уруш шароитида маълумот ҳажми шунчалик улканки, уни инсоннинг ўзи таҳлил қилиши деярли имконсиз... Мана шу ўринда сунъий интеллект майдонга чиқади. Улар жанг майдонидаги ахборотни тезкор таҳлил қилиб, қўмондонларига стратегик вариантларни тақдим этади. Демак, жанг майдонида янги иштирокчи пайдо бўлмоқда. У на танк, на самолёт, на ракета. У – алгоритм... Замонавий урушда ҳал қилувчи омил эндиликда танклар сони ёки самолётлар қуввати эмас, балки маълумотни ким тезроқ ва аниқроқ қайта ишлай олиши бўлиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, агар бир томон душман ҳаракатини бир неча дақиқа олдин билиб олса, у стратегияни тезда ўзгартириши мумкин. Агар иккинчи томон бу маълумотни кечиктириб олса, у жангнинг бошланишиданоқ ютқазиши мумкин... Алгоритмлар жанг майдонида қарор қабул қилиш жараёнини ўзгартириб бораётган бўлса, сунъий идрокнинг яна бир йўналиши ҳарбий стратегиянинг айнан ўзига таъсир кўрсатмоқда. Бу эса дрон тўдалари технологиясидир... Бу тизимда ўнлаб, баъзан юзлаб учувчисиз кичик қурилмалар бир вақтда осмонга кўтарилади. Улар марказий буйруқни кутмайди. Ҳар бир дрон ўз сенсорлари орқали атроф-муҳитни кузатади ва бошқа дронлар билан маълумот алмашади. Сунъий интеллект эса бу маълумотларни таҳлил қилиб, гуруҳ ичидаги вазифаларни автоматик тарзда тақсимлайди. Натижада дронлар алоҳида қурилмалар эмас, балки бир бутун тизим сифатида ҳаракат қилади”.

Бугун ривожланган дунё мана шундай янгиликлар билан яшаяпти. Кимдир шохида юрган бўлса, кимдир баргида юрибди. Қуролланиш пойгаси сунъий идрок соҳасига ҳам жадал кириб келмоқда. Мудофаа соҳасидаги илғор тадқиқот лойиҳалари сунъий интеллект асосида автоном дронлар, киберҳимоя тизимлари ва интеллектуал ҳарбий дастурларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Тажовузкор кучлар бошқаларнинг “уйидаги ноз-неъматларга уларни ўз уйидан ҳайдаб чиқмасдан ҳам эга бўлиш”га интилмоқда. Жаҳоннинг энг бой одами Илон Маск назарда тутган келажак урушлари ҳам сунъий идрок билан боғлиқ, шу боис, у инсонларни Марсга кўчириш ҳаракатига тушган. Бошқа бир гуруҳ технология гигантлари эса башарият ҳаётини сақлаб қолиш учун илғор технологиялар ривожини жиловлашни таклиф этмоқда.

Абдулҳамид Мухторовнинг “Эътиқод остонасидаги “Троя оти” номли китоби мана шу “қайноқ” жараёнларнинг юзидан пардани очади. Барчани огоҳликка чақиради. Эй, инсон, содда-гўл бўлма, бошқалар мақсадли тарзда яратаётган ахборот маҳсулотларининг оддий ва кўр истеъмолчиси бўлиб – улар қўлида ўйинчоққа айланиб қолма, онгини бой берган одам эркини ҳам йўқотади – ўз онгингга ўзинг эгалик қил, замон билан ҳамқадам юрма – замондан олдин юр, келажагингни биров чизиб бермасин – уни ўзинг ярат, дея даъват қилади. Зеро, “ким жамият онгини шакллантирса, у келажак йўналишини ҳам белгилай олишини асло унутмаслик лозим. Шу маънода, бу курашда ён беришга, сусткашликка ёки манфаатли ёндашувга ўрин йўқ. Чунки миллат онги учун бўлган курашда ютқазиш мумкин эмас”.

Тўпламни ўқиб, ундаги маълумотларни чуқур таҳлил қилган ўқувчи бугун шундай китоблар ҳақиқатан ҳам зарурлигига амин бўлади ва уни бошқаларга ҳам тавсия этади, деб ишонамиз.

Икром БЎРИБОЕВ

МАМНУНИЯТ



УСТОЗ МЕҲНАТИ – ЭЛ ЭЪТИРОФИ

Азимбой САФАРБОЕВ, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 36-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси:

– Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Мен қарийб 39 йилдан буён таълим соҳасида меҳнат қилиб келяпман. Шу йиллар давомида кўплаб ёшларга таълим ва тарбия бериш бахтига муяссар бўлдим. Бугунги кунда олий маълумотли мутахассис бўлиб, турли соҳаларда фаолият юритаётган шогирдларимнинг сони 2000 нафардан ошди. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, юртга наф келтираётганини кўриш мен учун энг катта бахт ва мукофот. Байрам арафасида камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, Президентимиз томонидан менга “Ўзбекистон халқ устози” фахрий унвони берилгани мен учун катта қувонч ва шараф бўлди. Бу эътироф учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдираман. Мен ушбу унвонни фақат ўзимга ёки мактабимизга берилган мукофот деб эмас, балки бутун Қорақалпоқ элига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътироф сифатида қабул қиламан. Зеро, устознинг меҳнати замирида бутун бир халқнинг орзуси, фарзандларининг келажаги мужассам. Фурсатдан фойдаланиб, барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳар биримизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, шарафли меҳнатингизда улкан зафарлар ва шогирдларингизнинг ютуқларидан баҳраманд бўлиш бахтини тилайман.



“СПОРТ ОРҚАЛИ СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ”

Ботиржон МУҚУМОВ, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози”, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

– 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча ҳамкасбларимни чин қалбимдан табриклайман. Ёш авлодни соғлом, баркамол ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли фаолиятимизда барчангизга куч-қувват, муваффақият ва зафарлар тилайман. Байрам арафасида Президентимиз фармони билан менга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони берилгани мен учун катта қувонч ва шараф бўлди. Бу эътирофни фақат ўз меҳнатимга берилган баҳо эмас, балки юртимизда ёшларни жисмоний тарбиялаш, спортга жалб этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларининг меҳнатига билдирилган юксак ҳурмат сифатида қабул қиламан.

Бугун мамлакатимизда ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса биз, устоз ва мураббийлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, билим ва тажрибамизни ёшлар тарбиясига бағишлашимиз керак.

ЎЙ

ИСТЕЪМОЛЧИ ОЛОМОН



пайдо бўлмаслиги учун бугун бош қотириш лозим!

Охирги пайтларда одамлар орасида истеъмолчилик руҳияти яққол кўзга ташланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кўпчиликнинг ўй-хаёли кўпроқ нарса-буюмлар харид қилиш, ўзини бошқалар билан таққослаш билан банд. Шахснинг жамиятдаги ўрнини асосан унинг бойлиги билан ўлчашга мойиллик кузатилади.

Таниқли файласуф Виктор Алимасовнинг қуйидаги фикрлари ҳам масаланинг нақадар долзарб эканини тасдиқлайди: “Менинг назаримда, жамиятимизда сўнгги йилларда истеъмолчилик кайфияти кучайиб қолди. Истеъмолчилар жамиятига айланиб боряпмиз. Супермаркетлар, дўконлар тўла. Ўзим ҳам бир кун нимадир олмасам, туролмайман. Тадбиркорлар синфи бизни истеъмолчиликка ўргатиб қўйяпти. Кайфиятимиз ҳам шунақа. Бундан қочиб қутулолмаймиз. Аммо бунинг ёмон томони мавжуд: ёшлар истеъмолчиликка кўпроқ ўрганиб қолади, тайёрга айёр бўлади. Биз бундай авлодни эмас, яратувчи, фаол авлодни шакллантиришимиз керак”.

Очиғи, истеъмолчилик кайфияти бир қарашда арзимасдек туюлган майда нарсалардан бошланади. Шу ўринда оддий бир мисол. Тасаввур қилинг, қўл телефонингиз муаммосиз ишлаб турибди. У билан яқинларингизга қўнғироқ қиласиз, зарур ҳужжатларни очиб, танишасиз, суратга ҳам оласиз. Хуллас, ушбу қурилма ўз вазифасини ортиғи билан бажариб турибди. Шу орада унинг янги модели зўр бериб реклама қилина бошлайди. Танишларингиз бирин-кетин ана шу янги телефонни сотиб олади. Шу чоққача бекаму кўст ишлаб, коринггизга яраб турган телефонингиз энди эскиргандек туюла бошлайди. Ваҳоланки, янги деб тақдим қилинган моделда ҳам айтарли янгилик йўқ. Бу ўринда телефонга бизнинг муносабатимиз ўзгаради. Энди бу қурилмани ўзгаларнинг қўлидаги янги телефонга қараб баҳолай бошлаймиз. Янги матоҳнинг имкониятларидан кўра, бошқалардан ортда қолмаслик истаги уни сотиб олишга ундаётгани ҳақида бош қотириб ўтирмаймиз. Хуллас, янги моделни харид қилгач, маълум муддат кўнглимиз тинчийди. Албатта, “янги авлод” нусхаси чиққунча... Мана шу кичик бир мисол катта бир саволни ўртага ташлайди: биз бугун фаровон яшашни истаяпмизми ёки фаровон кўринишни?

ҲАВАСНИНГ ҲАМ ҲИСОБИ БОР!

Ҳар бир инсон яхши яшаш учун интилиши табиий ҳол, албатта. Шинам уй-жой, замонавий ва ишончли машина, сифатли таълим кишига янги имкониятлар эшигини очиши табиий. Етишмовчиликлар чангалидан халос бўлишга уринаётган оилага моддий эҳтиёжларини арзимас деб тушунтириш ҳам адолатдан эмас. Ҳалол меҳнат билан топилган даромадни қандай сарфлаш ҳар кимнинг ўз ихтиёридаги масала эканига заррача шубҳа йўқ.

Қиммат телефон ким учундир зарур иш қуроли вазифасини ўташи мумкин. Бинобарин, суратга оладиган, видео контентлар тайёрлайдиган киши учун унинг имкониятлари муҳим саналади. Яна кимдир айни шу қурилмани, зарурат бўлмаса-да, бошқалардан ортда қолмаслик учун сотиб олиши мумкин. Бу ўринда бир хил нарсага эгалик қилишнинг сабаблари фарқли. Шунчаки ҳавас, ўзгалардан кам бўлмаслик истаги эҳтиёждан устун келиши истеъмолчилик руҳиятининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, бугун нималарга эгалигимиз ўз қадримизни ўлчайдиган бош мезонга айланиб, эҳтиёж билан ҳаваснинг чегараси йўқола бошлади. Афсуски, ўзимизга “Аслида, менга нима керак?” деган саволни бериш ўрнига, “Бошқаларда нима бор?” деган саволни кўпроқ беряпмиз. Бундай таққослашда қониқиш ҳисси узоққа чўзилмайди. Чунки ҳар доим кимнингдир машинаси бизникидан янгироқ, уйи каттароқ, дастурхони тўкинроқ бўлиб чиқади.

Келинг, тўйга тайёргарлик кўраётган оддий оилани тасаввур қилайлик. Дастлаб меҳмонлар сони ва улар учун сарфланадиган харажат хонадон соҳибларининг моддий имкониятига қараб белгиланади, тадбирлар ҳам шунга мос режалаштирилади. Бироқ кутилмаганда “тўйимиз фалончиникидан кам бўлмасин”, деган даъво ўртага чиқади. Оқибатда даставвал камтаргина тузилган режалар ўзгариб, рўйхат узаяди, қўшимча харажатлар қўшилади. Бир кунлик маросим учун ёш оиланинг кейинги эҳтиёжларига аталган маблағ ҳам сарфланади, етмаганига қарз-ҳавола қилинади. Бу қарор оиланинг, ёшларнинг турмушига қандай таъсир қилиши масаласи эса четга сурилади. Бу ўринда “Одамлар нима дейди?” деган андиша билан ортиқча харажатларга зўр берилади. Афсуски, бундай ижтимоий босим тўйдан-тўйга ўтиб, “гуллаб-яшнаб” давом этиб келяпти. Тантана соҳибининг саховати, дастурхонга тортилган хилмахил таомлар ва гулгун даврани янада қиздирган донгдор хонанда ва созандаларни кўриб, лолу ҳайрон бўлган меҳмонларнинг ҳам аксарияти ана шундай тўйлар қилишни кўнглига тугади. Айтиш мумкинки, ана шу орзумандлар орасида ўзимиз ҳам бормиз.

Кўз-кўз қилишга сарфланган маблағнинг яна бир ҳисоби бор – уни ишлаб топиш учун кетадиган умр. Ортиқча харажат, қарз ва мажбуриятлар кишини дам олиш пайтларида ҳам тер тўкиб меҳнат қилиш ҳамда оила ва яқинлар даврасида кечадиган қимматли вақтнинг баҳридан ўтишга мажбур қилади. Шу боис, сиртдан жозибали кўринадиган бундай ҳаёт тарзи кишининг силласини қуритиб, қимматли вақти ва соғлиғи билан бадал тўлашига сабаб бўлади. Бундай йўқотишларни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Хуллас, бугунги тўкин-сочин тўйлар ҳам истеъмол жамиятининг муҳим белгиларидан бири бошқалардан кам бўлмаслик истагининг маҳсули ҳисобланади.

ҲАСРАТЛИ ЎЙЛАР ИСКАНЖАСИДА...

Истеъмолчилик кайфиятининг кучайиб боришида рақамли технологиялар, айниқса, ижтимоий тармоқларнинг ўрни катта. Ҳозир ижтимоий тармоқлар одамларнинг яшаш тарзини, орзу-истаклари, интилишларини белгилаб беряпти, десак, адашмаймиз. Тасаввур қилинг, мазкур тармоқлар орқали бир неча дақиқа ичида бир танишингизнинг саёҳатини, бошқасининг янги уйини, учинчисининг қиммат харидини кўрдингиз. Бошқача айтганда, уч хил ҳаётнинг энг ёркин лаҳзалари бир тасмага йиғилган. Сиз эса беихтиёр уларнинг барчасини ўз турмушингиз билан солиштира бошлайсиз. “Фалончи чет элда ялло қилиб юрибди, мен эса ишдан ортмайман”, “Писмадончининг машинаси зўр экан, мен қачонгача эски уловда юраман?” деган ҳасратли ўйлар исканжасида қоласиз. Аслида, ўша танишларингиз эришган натижалар ортида заҳматли меҳнат, йўқотиш ёки мажбуриятлар борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайсиз. Зотан, биргина кўтаринки лавҳа одамнинг бутун турмушини тўлиқ ифода эта олмайди. Биз машинасига ҳавас қилган мардумнинг гарданида бир неча йиллик қарз юки бўлиши ҳам мумкин. Биз эса бундан бехабар, ўз ҳаётимизга нохолис баҳо беришга шошиламиз. Аксар одамлар машина олишни орзу қилаётган пайтда бизнинг беминнат уловимиз борлиги ва “ғилдираклари тагидан шамол эсиб тургани” ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

СОТИБ ОЛИНГАН КИТОБ ВА ЎҚИЛГАН КИТОБ...

Истеъмолчи, харидор жамият шароитида нарсаларга, буюмларга тобора боғланиб бораётган инсонларнинг турмуш тарзи, тақдири олимларни ҳам анчадан буён ўйлантириб келади. XX асрда яшаган машҳур немис социологи ва файласуфи Эрих Фромм ана шундай фикр эгаларидан эди. У ўзининг “Эгалик қилиш ёки эга бўлиш” (“To have or to be”) асарида эгалик қилишга қаратилган турмушни меҳр, баҳам кўриш ва яратувчанликка асосланган яшаш тарзи билан таққослайди. У ғарб индустриал жамиятларида “эгалик қилиш”га асосланган ҳаёт тарзи ҳамда пул, мол-дунё, шон-шуҳрат ва ҳокимиятга нисбатан очкўзлик ҳисси кишилар ҳаётининг мазмунига айланиб қолганини афсус билан таъкидлайди. Умуман, Фромм сингари файласуфлар ўтган асрнинг иккинчи ярмидаёқ истеъмол жамиятининг фожиалари ҳақида огоҳлантирган бўлса-да, одамлар бунга айтарли эътибор қаратгани йўқ. Қайтанга муаммо янада ўткирлашиб кетди. Вақтида Ғарб жамиятида авж олган истеъмолчилик, харидорлик кайфияти ўзга жамиятларда ҳам тобора бўртиб кўзга ташланмоқда.

Шу ўринда Эрих Фромм таъкидлаган “эгалик қилиш”га асосланган ҳаёт тарзига оддий мисол. Айтайлик, сиз бир китобни сотиб олиб, чиройли жавонга қўйдингиз, суратини эса яқинларингизга улашдингиз. Гўёки сиз китобга эгалик қиляпсиз, бошқалар тасаввурида китобхон одам образида намоён ҳам бўлдингиз. Бироқ вақт ажратиб, ана шу китобдан ўрин олган қимматли фикрлар, ғоялар билан танишиш ва тафаккур қилишга заррача рағбатингиз йўқ. Бинобарин, сизнинг бундай “эгалик қилишингиз” замирида мантиқ йўқ. Ёки университет дипломини амал-тақал қўлга киритиш билан астойдил билим олиш эвазига мутахассис бўлиб етишиш орасидаги фарқ ҳам шунга ўхшайди. Хуллас, хўжакўрсинга китоб сотиб олиш ёки “бўм-бўш калла” билан диплом олиш орқали ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу нарсаларга шунчаки эгалик қилиш – қусур, наинки қусур, фожиа аслида!

ЯНГИСИНИ ОЛИБ, ЭСКИСИНИ ТАШЛАМАНГ!

Харидларимизнинг яна бир баҳосини табиат тўлайди, десам ишонасизми? Ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш учун муайян миқдорда хомашё, энергия ва ишчи кучи сарфланади. Ушбу маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашнинг ҳам турган-битгани харажат. Халқаро электр алоқаси иттифоқи ва БМТнинг UNITAR институти томонидан тайёрланган “Global E-waste Monitor – 2024” ҳисоботида қайд этилишича, 2022 йилда дунё бўйича ҳосил бўлган 62 миллион тонна электрон маҳсулотлар чиқиндисининг атиги 22,3 фоизи йиғилиб, рисоладагидек қайта ишланган.

Албатта, ҳар қандай қурилма ҳам вақт ўтиши билан эскиради, бузилади. Одамларнинг уларга нисбатан эҳтиёжи ҳам ўзгаради. Лекин туппа-тузук ишлаб турган электрон қурилмадан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш, бузилганда таъмирлаш, янгисини харид қилганда яроқлисини эҳтиёжманд одамларга бериш орқали бундай зарарли чиқиндилар салмоғини камайтириш мумкин. Одамлар янги нарсани сотиб олишдан аввал эскисини нима қилиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрса, бу жамият учун ҳам, табиат учун ҳам фойдали бўлади.

ОЛТИН ЎРТАЛИҚНИ ТОПИШ ЗАРУРАТИ

Бугунги даврда янги харидларга қарам бўлмаслик, кундалик ҳаётда олтин меъёрларга амал қилиб яшаш жамият ҳаётининг бош мезонига айланиши зарур. Ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилишда меъёрни сақлаш эса, аввало, ўзимизнинг ҳаётий эҳтиёжларимизни яхшироқ англашдан бошланади. Янги сотиб олинадиган матоҳ ишимизни енгиллаштирадими, вақтимизни тежайдими, бизга узоқ вақт хизмат қиладими? Ёки уни шунчаки ўзгаларга ҳавас туфайли харид қиляпмизми? Аввало, мана шу оддий саволларга жавоб топишимиз лозим. Асосийси, истеъмолчилик кайфияти ҳаётимизни бошқаришига, инсонийлигимизга путур етказишига йўл қўймаслик керак.

Меъёрийлик тамойилларини таълим жараёнида ҳаётий машқлар орқали ҳам тарғиб қилиш мумкин. Масалан, ўқувчилар шартли бир буюмнинг рекламасида тилга олинган маълумотларни аниқ таҳлиллар ва ҳисоб-китоблар ёрдамида текшириб кўриш орқали унинг эҳтимолий натижалари ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Оила даврасида ҳам йирикроқ харидларга қўл уришдан олдин барча биргаликда “Шу ишни қилиш учун қайси режаларни ортга суриб, нималардан воз кечишимиз керак?” деган саволларга биргаликда жавоб излаши лозим. Ана шундай тутумлар орқали аста-секин меъёр ва маромийлик тамойилларини ҳаёт тарзига айлантириш мумкин.

Жамиятдаги эътирофлар ҳам маромийлик мезонларини шакллантиришда муҳим ўринга эга. Дейлик, яхши шогирд тарбиялаган устоз, ўз ишини пухта бажарадиган уста, одамларнинг муаммосига ечим топган тадқиқотчининг фаолиятини оммага кўпроқ тарғиб қилиш, шу даражага эришгунча қандай қийинчилик ва заҳматларни енгиб ўтганига урғу бериш зарур. Шу тариқа, ёшлар онгига ҳурмат ва эътирофга эришиш учун машҳур бўлиш шарт эмаслиги, ўзгалар тан олиши учун қимматбаҳо буюмларга эга бўлиш талаб этилмаслиги ҳақидаги ҳақиқатларни сингдириб бориш зарур.

Хўш, бугун биз танлаган касб-коримиздан яхши даромад орттириш баробарида, яқинларимиз билан бирга бўлиш, ўқиб-ўрганиш ва ўз устимизда ишлаш учун вақт ажратяпмизми, дам олишга имкон топа оляпмизми? Агар шундай бўлса, демак, тўғри йўлдамиз. Агар ўзгаларнинг ҳавасини уйғотиш, одамлар орасида ном қозониш ташвиши бизни тинимсиз меҳнатга ундаётган бўлса, ўзимизни фаровон ҳаёт кечираётган эркин инсон, деб айта олмаймиз.

Сирасини айтганда, бугун моддий бойликларга нисбатан онгли муносабатда бўладиган, ўзининг билими, касб-ҳунари ва ташаббускорлиги билан жамиятга фойда келтирадиган авлодни тарбиялаш жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар бир шахс фаровон яшаш учун интилиши табиий. Аммо инсоннинг қадри унинг мол-мулки билангина ўлчана бошласа, билим, ҳалол меҳнат ва одамийлик сингари тушунчалар сояда қолиб кетиши мумкин.

Фарзандларимизга бор нарсани қадрлаш, ҳар қандай молу матоҳни ақл билан харид қилишни ўргатишимиз ва уларни ўз меҳнати билан янгилик яратишга даъват этишимиз лозим. Фаровонлик тушунчасини нафақат мол-мулк, балки хотиржамлик, билим олишга иштиёқ ва яқинларимизга ажратадиган вақт билан ўлчашни ҳам ўрганайлик. Энг муҳими, биз нарсалар учун эмас, нарсалар биз учун хизмат қилсин. Эртага моддий манфаатдан ўзгасини тан олмайдиган истеъмолчилар оломони орасида эмас, балки маърифатли жамиятда яшаш учун ҳам шундай йўл тутишимиз шарт ва зарурдир.

Авазбек ШЕРМАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими

ЖАҲОН АЙВОНИДА

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ҚУРОЛ ЯРАТМОҚДА



Хитойнинг сунъий интеллект моделлари тадқиқотчиларга биологик қурол яратиш ҳамда суиқасдларни амалга ошириш усулларини ўргатгани маълум бўлди.

“BBC” нашрининг хабар беришича, мазкур хавфли ҳолат юзасидан “Moonshot” компанияси зудлик билан ички текширув ишларини бошлаб юборган.

ТВ БОШЛОВЧИСИ МАМЛАКАТ ҚИРОЛИ

Угандадаги Тооро қироллигида собиқ телевидение бошловчиси янги қирол сифатида тахтга ўтирди ва Батооро халқининг 13-монархига айланди.



“Reuters” агентлигининг хабар беришича, мазкур тарихий тадбир марҳум қиролнинг вориси борасида юзага келган мураккаб можарога узил-кесил якун ясаган.

МАРС ХАРИТАСИ ЯРАТИЛАДИ

Хитой АҚШ билан фазони ўзлаштириш борасидаги рақобат кучайиб бораётган бир шароитда, 2028 йил охирига қадар Марснинг тўлиқ геологик харитасини тузишни режалаштирмоқда.



“South China Morning Post” нашрининг хабар беришича, мазкур лойиҳа Қизил сайёранинг бутун юзасини қамраб олади ва унинг геологик даврларини белгилашда халқаро стандартга айланиши кутилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР НАМОЙИШИ

Францияда синфларда ўқувчилар сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, ўқитувчилар етишмовчилиги ҳамда узоқ давом этадиган дарс жадвалларига норозилик билдирган ўқувчилар ва таълим соҳаси ходимлари оммавий намойишларни бошлади.



Акция иштирокчилари ўз мактабларини тўсиб қўйган – бу эса полиция билан кескин тўқнашувларга олиб келган.



ТАРИХИЙ ЁҒИНГАРЧИЛИК

Япония пойтахти Токио марказида кетма-кет 34 кундан буён тинимсиз ёмғир ёғмоқда.

Япония метеорология агентлиги маълумотларига таяниб “The Mainichi” нашрининг хабар беришича, бу ҳолат 1886 йилдан бери шаҳар тарихида қайд этилган энг узоқ давом этган ёғингарчилик ҳисобланади.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК УЧУН 5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР



Вашингтон Марказий Осиё мамлакатларининг рақамли сектори ва киберхавфсизлигини ривожлантириш мақсадида 5 миллион доллар маблағ ажратди.

Бу ҳақда Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган “супер интеллект” масалаларига бағишланган C5+1 форматидаги конференцияда маълум қилинди.

БИОЛОГИК ЁШГА МОСЛАШУВЧИ ЮРАК

Кўчириб ўтказилган юрак қабул қилувчи организмнинг биологик ёшига мослашиш хусусиятига эга бўлиши мумкинлиги аниқланди.



“Nature” журналида эълон қилинган янги тадқиқотга кўра, ёш донорнинг юраги кекса беморга ўтказилганда тезроқ “қариши”, кекса донорнинг юраги эса ёш организмда биологик жиҳатдан “ёшариши” кузатилган.

ҚОДИРИЙ ҚОҲИРАДА

Дипломат ва таржимон Отабек АЛИМОВ билан суҳбат

Бошланиши 1-саҳифада.

– Ўзбекистон ва Миср кўп йўналишларда жуда яқин, халқларимиз ва давлатларимизни минг йилдан зиёд тарихга эга алоқалар боғлаб туради. Илк романларимизда ҳам ўхшашлик сезилади. Шу ўринда бугун ҳам ўзига хос умумийликларни кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда Янги Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар амалга оширилаётган бўлса, Мисрда “Янги Республика” ташаббуси остида ислоҳотлар бормоқда. Бизда Янги Тошкент, уларда “Янги пойтахт” қурилмоқда.

“Ўткан кунлар”ни таржима қилишга тўхталсак, албатта, мен учун бу лойиҳада иштирок этиш ниҳоятда шарафли иш. Шу роман асосида ишланган бадиий фильмни кўрган бувим исмимни Отабек қўйган экан. Азалдан “Ўткан кунлар”ни чет тилларга таржима қилдириш ниятида юрардим. Бир куни Мисрдаги элчимиз мени чақириб: “Бу ерда йиллаб ишлашинг, яхши хизмат қилишинг мумкин. Аммо кетганингдан кейин сендан нима қолади? Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўр. Шундай иш қилгинки, Ватанимизга фойдали бўлсин”, деди. Бу гап қаттиқ таъсир қилди. “Ўткан кунлар” инглиз тилига икки маротаба таржима қилинган эди, энди уни араб тилига таржима қилишни ният қилдим.

Боиси, Мисрда ўзбек адабиётига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Қоҳира ва Айн Шамс университетларида Буюк Темурийлар даври маданияти ва бадиий битиклари бўйича илмий ишлар муваффақиятли ҳимоя қилиниши бунинг яққол исботидир. Шунингдек, Миср Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдураҳмон ал-Хамисий томонидан икки жилдлик “Ўзбек халқ эртаклари”нинг Қоҳирада чоп этилиши халқ оғзаки ижоди даражасидаги муштаракликни намоён этади. Аммо “Ўткан кунлар” – бошқа олам.

Аввал “Миср–Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси, ёзувчи ва таржимон Магди Заъбал жаноблари билан маслаҳатлашдим. У кишининг Ўзбекистонга ҳурмати бўлакча, илгари Ватанимизга оид китоб ҳам ёзган экан. Хуллас, профессор Муҳаммад Насриддин ал-Жибалий билан бирламчи келишувга эришдик. Яна бир таржимонни Саудия Арабистонида яшаётган ўзбеклардан топдик. Бироқ у: “Кимнинг асарлари бўлса, мамнуният билан таржима қилардим, лекин Абдулла Қодирийга қўл уролмайман. Қодирий тилини бузиб қўйишдан чўчийман. Аммо Саид Маҳмуд Косоний исмли инсон бор, ана шу шахс араб тилига жуда маҳорат билан ўгиради. Ҳозирда у Ўзбекистонда”, деб жавоб берди.

У киши Афғонистонда туғилган, асли косонсойлик, аммо Саудия Арабистонида вояга етиб, араб мактабида таҳсил олгани сабабли, асосий тили араб тилига айланган. Таржима қилишга ва барча шартларимизга, жумладан, гонорар миқдорига ҳам асло эътироз билдирмасдан рози бўлди. Шундан кейин ёнимдаги ал-Жибалийнинг таржимасини кўрсатганимда, у киши матнни ўқиб: “Илтимос, шу инсонга топширинг! Манбани жуда гўзал ўгирибди, балки мен бу даражада уддалай олмасман. Ушбу матн менга жуда ёқди”, деб самимий тавсия берди.

Таъкидлаш жоизки, Саид Маҳмуд ака ўша вақтда “Меҳробдан чаён” романини араб тилига ўгириб бўлган экан. Фурсатдан фойдаланиб, у кишидан “Ўткан кунлар”даги баъзи ибораларни таржима қилиш бўйича қимматли тавсиялар олдим. Суҳбатдан кўнглим тўлиб, ким билан таржима қилиш бўйича қатъий қарорга келдим. Бутун меҳнат таътилим давомида, “Ўткан кунлар”ни таржимага тайёрладим: таржимага осон бўлсин, деб ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги таржималарни сканерлаб, таҳрирлаб чиқдим, солиштириш осон бўлиши учун ҳамма таржимани бир жадвалга киритдим.

Таржимага киришишдан аввал Абдулла Қодирий уй-музейига бордим. У ерда ёзувчининг набираси Хондамир Қодирий билан учрашдим. Бошида у киши: “Асарнинг рус тилидан таржима қилинишига қаршиман, ўзбек тилидан қилиниши керак!” деб рози бўлмади. Мен ҳеч бир таржимон Қодирийчалик ёза олмаслигини, ўзбек тилини биз истаган даражада ўрганган чет эллик ёзувчи йўқлигини тушунтирдим. Мисрга қайтиб, тўғри Айн Шамс университети профессори ал-Жибалий билан учрашдим.

– Жараённинг масъулиятли, ва айни пайтда, қизғин бўлганидан биз ҳам таъсирландик. Шу ўринда Қодирийдан қолган ўлмас иборалар ва тасвирларнинг арабча ифодасини топиш осон бўлмагандир?

– Таржима жараёнида бир неча жиҳатга алоҳида урғу бердим. Халқимиз орасида кенг тарқалган шундай жумла ва иборалар борки, уларнинг мағзини чақиш зарур. Масалан: “Сиз ўшаму?” ёки “Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да!” каби иборалар инглиз ёки рус тилларига қандай ўгирилган? Муҳими, хатоликка йўл қўйилмасин”. “Ўткан кунлар”ни қайта ўқиганимда, илгари эътибор бермаганим – “Тўю азаларга “кавшим кўчада қолган эмас”, деб бормас эди” каби ибораларга дуч келиб, уларнинг теранлигидан ҳайратда қолдим.

Вақт ўтиб, ижод якунланди. Нашр этиш учун Мисрдаги энг йирик ва нуфузли “Дор ул-Маориф” нашриётини танладик. Ўша даврда Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналарига туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш учун маблағ ажратилган эди. Ўша пайтда Мисрда инфляция юқори бўлгани учун ушбу маблағнинг бир қисмини тежаб қолишга эришган эдим. Туризм вазирлиги (ҳозирги Қўмита) ходимлари билан музокара ўтказиб: “Ушбу асарни



нашр этиш харажатларининг бир қисмини қоплашда кўмаклашасизларми? Қолганини ўзимиз ҳал этамиз, қолаверса, бу лойиҳа ўзбек маданиятини хорижда тарғиб қилишга хизмат қилади”, дедим. Улар рози бўлди ва бу ҳақда расмий тасдиқ хатини олдим. Фурсатдан фойдаланиб, китоб таржимаси ва нашрида яқиндан ёрдам берган Туризм қўмитасига, Саид Маҳмуд ака, Ҳусайн ака, Муртазо ака ва бошқа барча кўмаклашган дўстларимизга, мисрлик ҳамкорларимизга миннатдорлик билдираман.

Китобга энг силлиқ, сифатли қоғоз ва мустаҳкам қаттиқ муқова танланди. Бўлажак нашрнинг муқоваси ва ички безаги ҳам мени анча ўйлантирди. Хондамир ака билан учрашганимда, у киши музейда сақланаётган машҳур бир суратни кўрсатиб, шу пайтга қадар қўлланилган энг яхши муқова расми эканини айтганди. Бизга ҳам маъқул келди.

Энди асарнинг арабча номига келсак. Инглиз тилига “Days Bygone”, “Bygone Days” ёки шунчаки “Past Days” деб ўгирилган. Маълумки, муаллиф асарни “Ўтган замондаги кунлар”, “Ўтгувчи кунлар” эмас, оддийгина “Ўткан кунлар” деб номлаган. Араб тилига тўғридан-тўғри таржима қилинганда “Ал-аййам ал-мадия”, “Ал-аййам ал-қадим”, Миср шевасида “Ал-аййам илифат” ёки шу каби турли вариантлар бор. Лекин таржимон “Ал-аййам ал-хавалий” вариантини таклиф этди. У: “Биринчи марта учрашганимизданоқ шу ном ҳақида ўйлаб юргандим, шуниси энг муносиби”, деди. Ушбу номни Мисрдаги кўпчилик соҳа мутахассисларига кўрсатдим ва ҳамма бир овоздан



маъқуллади.

Таржима жараёнидаги энг нозик жиҳатлардан бири – миллий колорит ва иборалар мазмунини сақлаб қолиш эди. Масалан, “Сиз ўшаму?” деган машҳур жумлани оддий ва совуқ таржима қилмаслик, ундаги ҳаяжон ва ҳайрат ҳиссини бериш учун бир қатор мисрлик дўстлар билан суҳбатлашдик ва араб тилидаги энг муносиб муқобилини танладик.

Таржима жараёнида муҳокама қилинган яна бир муҳим ва нозик масала сизлаш одати бўлди. Эрига нисбатан “сиз” деб мурожаат қилиш рус тилидаги “вы” шаклига ҳам, араб ёки инглиз тилларига ҳам айнан тўғри келмайди. Хорижлик мутахассислар Кумушнинг Отабекка “сиз” дейишини араб тилига кўчириш табиий чиқмаслигини, чунки арабларда “сиз” сўзи фақат ҳукмдорларга ёки ўта расмий муҳитда ишлатилишини таъкидлашди. Аммо биз бу миллий колоритни сақлаб қолишни истардик. Маълум бўлишича, оилада эр-хотин ўртасидаги бундай ҳурмат ва “сизлаш” маданияти туркий халқлар орасида ҳам айнан ўзбекларга хос бўлган жуда ноёб ҳодисадир.

Араб китобхони китобни қўлига олганда асар мазмунини теранроқ англаши учун номга изоҳли қўшимча киритдим. Яъни, “Ўткан кунлар – Туркистондаги аччиқ муҳаббат қиссаси” деб номланди. Мисрда турк тили анча оммалашганини инобатга олиб, асар муқовасида “Ўзбекистон” эмас, айнан “Туркистон” сўзи қўлланиши араб китобхонларида ушбу ҳудуд ва унинг тарихига нисбатан қизиқиш уйғотиши кўзда тутилди.

– Отабек ака, бугун дунёда китоб ёзиш ва чиқаришдан ҳам оғир иш уни тарқатиш бўлиб қолди. Бегона ўлкада ёт муаллиф асарини қандай тарғиб қилдингиз?

– Элчихонадаги имкониятларимиздан фойдаланиб, асарни Қоҳирадаги араб давлатлари элчихоналарига тарқатдик. Ўзбекистондаги араб мамлакатлари элчихоналарига ҳам 100 га яқин нусха юбордик. Шунингдек, Буюк Британия ҳамда АҚШ (Конгресс кутубхонаси) элчихоналарига ҳам 4 нусхадан тақдим этдик. Ҳозирги кунгача элчимиз вазирлар ва йирик тадбиркорлар билан ўтказиладиган ҳар бир юқори даражадаги учрашувларда ушбу асарни “Ўзбек адабиётининг шоҳ асари” сифатида фахр билан тортиқ қилмоқда. Тарқатиш ишлари изчил давом этмоқда.

Шу ўринда яна бир фикр туғилди: “Агар ушбу асар Нобель мукофотига тақдим этилса, бутун дунё ўқийдиган бўларди”. Одатда, вафот этган шахсларга бу мукофот берилмаслиги маълум. Аммо мукофот низоми матни билан танишганимда, ундаги бандлар мужмал ёзилган эди. Инглиз тили соҳиблари ҳам ушбу бандларни ўқиб, аниқ тушуна олмади. Бироқ низомда “асарнинг муносиб таржимаси учун мукофотлаш мумкинлиги”га ишора қилувчи алоҳида банд борлиги аниқланди. Шундан сўнг элчихона орқали расмий дипломатик нота тайёрладик. Швеция ва Норвегиянинг Мисрдаги элчихоналарига расмий хат юбориб, мустабид тузум йилларида Абдулла Қодирий қатағон қурбони бўлгани боис, унинг асари жаҳон адабиётида кенг танилмаганини тушунтириб, “Ўткан кунлар”ни Нобель мукофотига номзод сифатида кўриб чиқиш ташаббусини илгари сурдик.

Нобель мукофоти бўйича жўнатилган нотага швецияликлардан тегишли жавоб келди: “Афсуски, биз дипломатик ваколатхона сифатида бу масалани бевосита ҳал қила олмаймиз. Ташкилот қоидаларига кўра, мукофотга тақдим этишнинг муайян тартиб-таомиллари ва бунинг учун махсус веб-саҳифа мавжуд”, деб жавоб беришди. Ушбу веб-саҳифани атрофлича ўрганиб чиққанимизда, номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси жуда чекланган аён бўлди. Рўйхатдаги бир банд эътиборимизни тортди. Шунда элчимизга учрашиб: “Сизнинг элчи сифатидаги мақомингиз бутун Ўзбекистон номидан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Илтимос, ушбу мумтоз таржимани сизнинг номингиздан Нобель мукофотига тавсия этайлик”, дедим. Нобель қўмитаси ҳужжатларимизни қабул қилиб, кейинги йилги рўйхатга киритилишини билдирди. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмас, деган умиддамиз.

Бироқ таржима қилиш, нашр этиш ва тарқатиш лойиҳанинг бир қисми, холос. Энг муҳими ва мураккаби – китобни ўқита олиш эди. Асар берилган шахслардан алоҳида илтимос қилиб, фикрларини сўраб турдим. Китобни ўқиб чиққан араб китобхонлари: “Бу шунчалик гўзал ва таъсирли асар эканки, уни албатта Мисрда кино қилиб суратга олиш керак! Воқеалар ривожи ва қаҳрамонлар кечинмалари Миср халқининг ҳаёти ва менталитетига жуда мос”, дея юқори баҳо берди. Шундан сўнг таржима кўнгилдагидек чиққанига ишончим комил бўлди.

– Назаримизда, бу улуғ асар мисрлик ўқувчилар учун жаҳон адабиёти дарслигидан ўрин олишга муносиб.

– Худди шу масалага ўтмоқчи эдим. Асарни янада кенгроқ оммалаштириш ва ўқитишни таъминлаш мақсадида уни Миср таълим тизимига киритиш ғояси туғилди. Миср Олий таълим ҳамда Таълим ва тарбия вазирликларига Ташқи ишлар вазирлиги орқали расмий нота юбордик. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий асарларининг таржималарини илова қилиб, уларни умумўрта мактаб адабиёти ва ўқув дастурларига паритет асосида киритишни таклиф этдик. Мазкур ташаббусни амалга ошириш аслида Ўзбекистон ҳукумати ва тегишли вазирликларнинг расмий рухсатини талаб қиларди. Элчимизга бу ҳақда айтганимда, муваффақиятсизлик эҳтимоли юқори бўлса-да, ҳаракат қилиб кўришга рухсат берди. Миср томони учрашувларда буни амалга оширишга ваъда берган бўлса-да, ҳали амалга ошмади.

Замонавий рақамли имкониятлардан ҳам фойдаланиб, асарни дунё бўйлаб электрон тарқатишга киришдим. Муаллифлик ва нашр ҳуқуқлари ўзимда бўлгани учун уни ўнлаб давлатларда фаолият юритадиган “Amazon” платформаларига жойладим. “Amazon” ўз қоидаларига кўра бепул қўйишга йўл қўймагани сабабли минимал 99 цент нарх белгиландди. Бундан ташқари, “Google Play” (“Google Books”), “Озон” ва “ЛитРес” каби манбаларга китобни тўлиқ бепул жойлаштирдим. Ҳар куни статистикани кузатиб бораман: Ҳозирга қадар арабча таржимани 3700 дан ортиқ киши “Google Books”дан юклаб олди. Ҳар куни қанча одам олаётганини кузатиш менга алоҳида куч ва завқ бағишлайди.

– Шиддат-шаҳдингизга ҳавас қилдик. Бугун баъзи таниқли ижодкорларнинг фарзандлари ҳам ота-оналарининг меросини бу қадар тарғиб қилмайди. Аммо бу катта лойиҳа якунлангач, қониқишдан бошқа яна қандай ҳислар туғилди?

– Таржима якунлангач, кундалик тартибимда вақт бўшаб қолганини ва ҳаёт бир хил бўлиб қолганини ҳис этдим. Шунда янги ташаббусга қўл урдим. Араб тилига ўгирилган “Бобурнома” асарининг таржимони – таниқли олима Мажида Махлуф хоним билан учрашиб, китобни қайта нашр этиш бўйича музокара ўтказдим. Муаллиф манбанинг рақамли PDF формати ва барча тасвирларини тақдим этди. Ушбу электрон нусхани Ўзбекистондаги Бобур халқаро жамғармасига юбордик ва улардан ташаккурнома олдик.

Таржимон Мажида хоним ўша пайтда хаста эди. Китобни у кишининг ҳаётлик даврида чоп этишга улгуришни жуда истардим. Тижорий бўлмаган ва маърифий мақсадда нашр этиш учун расмий розилик хатини олдик. “Бобурнома” ҳам минг нусхада чоп этилиб, “Ўткан кунлар” каби тарқатилди. Муаллифга ҳам яқин инсонларига тақдим этиши учун 100 нусха элтиб берилди. Нашрга алоҳида бадиий безак берилди.

Кейинчалик “Ўткан кунлар” романининг олмон тилидаги таржимаси ҳам тайёрланди. АҚШда туғилган, инглиз ва олмон тилларини мукаммал биладиган, ҳозирда Искандарияда истиқомат қиладиган германиялик дўстимиз Одри Коллинс хоним билан учрашдик. У киши Ўзбекистоннинг фахрий консули бўлиш истаги борлигини айтганида, мен унга ҳазил тариқасида: “Бунинг учун мамлакатимиз адабиёти ва маданияти учун муҳим бир иш қилишингиз керак, масалан, “Ўткан кунлар”ни немис тилига ўгириш фойдали бўларди”, деб таклиф билдирдим. Аввалига бу шунчаки расмий гап эди, чунки бу таклифни илгари ўнлаб кишиларга айтганман, аммо ҳеч ким қўл урмаган эди. Бироқ маълум вақт ўтиб, Одри хоним таржима қилиш учун асарнинг электрон нусхасини сўради. Мен муаллифлик ҳуқуқлари бузилмаслиги учун сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган ва ўзим таҳрир қилган инглизча хом таржимани унга тақдим этдим. У матнни ўрганиб чиқиб, таржимадаги баъзи нуқсонларни тўғрилади ва асарни немис тилига маҳорат билан ўгирди. Таржима тайёр бўлгач, Одри хоним Қоҳирага келиб, Ташқи ишлар вазиримизга шахсан топширди, элчимиз ва менга ҳам бир нусхадан ҳадя қилди. Яқин кунларда ушбу немисча нашр ҳам “Amazon” платформасига жойлаштирилади.

– Асар таржимасидан кейин мисрликлардан ҳам “Отабекнинг Кумуши борми?” каби саволлар тушмадими?

– Бўлди бундай ҳолатлар ҳам. Яна бир маълумотни ёдимга солдингиз. Очиғини айтсам, нимагадир ёшлигимдан “Зайнаб” исми унчалик ёқмасди. “Ўткан кунлар” тугаганидан кейин араб адабиётидаги илк роман қайсилиги билан қизиқа бошладим. Маълум бўлишича, унинг номи “Зайнаб” экан!


Кейинчалик, ўзим ҳам Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкалнинг “Зайнаб” романини ўзбек тилига таржима қилишни ва икки халқнинг илк романларини “учраштириш”ни истадим. Сабаби, ундаги воқеалар ва руҳият, ҳатто Зайнаб ва Ҳомид каби номларнинг қўллангани “Ўткан кунлар” романига жуда ўхшаб кетади. “Ўтган кунлар”нинг остноми “Ўзбеклар турмуши ҳақидаги тарихий роман” бўлса, “Зайнаб”нинг ост номи “Миср қишлоқ манзаралари ва аҳлоқи” дея аталган.

Шу орада бу таржима қилиш дегани шунчалик қийин эканини, ва одатда, таржимонга жуда кичик гонорар берилишини билиб, таржимонларга ачиниб ҳам қўйдим. Бир неча бор таржима қилиш фикримдан ҳам қайтдим. Қоҳирага расмий сафар билан келган Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди раҳбари билан учрашдим. У киши бу таржимани тезроқ тугатишим кераклигини айтиб, керакли маслаҳатларини берди. Шукрки, шу йили таржимани тугатиш насиб қилди. Келгусида нашр қилинишидан умидворман.

– Отабек ака, Сиз бошлаган эзгу ишлар Қодирий ҳазратнинг руҳи покларини шод этажак. Сиз билан суҳбатимиз тугамади. Келгусида Маҳмуд Кошғарий, Навоий, ўзбек тили ва бошқа мавзулардаги мулоҳазаларга қайтамиз. Суҳбат учун ташаккур!

– Таҳририятга миннатдорлик билдираман. Жадидлар меросини тарғиб қилиш ва замонамиз жадидларига минбар бўлиш саодати бардавом бўлсин!

Шаҳриёр ШАВКАТ суҳбатлашди.



> **Агар одамда бари рисоладагидек – қиёфаси, одоби, фикри ва қалби чиройли бўлса – бунинг ҳаммаси ўқиган китоблари шарофатидан.**
>
> **Антон ЧЕХОВ**

УСТОЗЛАР МИНБАРИ



“ОТАМ ТАНЛАГАН КАСБ – МЕН ТАНЛАГАН ТАҚДИР”

Дилдора АЗИМОВА,
Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 19-сонли мактаб ўзбек тили фани ўқитувчиси:

– Бу соҳага кириб келишим ҳам ўзгача бўлган. Болалигимдан тикувчи бўлишни орзу қилганман. Тўқимачилик институтига киришни режалаштираётганимда отам фикримга қарши чиқиб: “Тикувчи эмас, ўқитувчи бўласан. Ўқимишли бўлмасам ҳам сени ўқитаман”, деганлар. Оилада тўрт қизнинг тўнғичи эдим. Падаримнинг хоҳиши ва талабига кўра шу касбни танлаганман. Бугун улар бу ёруғ оламда йўқ. Аммо ҳали-ҳануз у кишини дуо қиламан. Мени шу шарафли касбга йўналтирганлари учун отамдан мингдан-минг розиман, миннатдорман.

Касбим орқали жуда кўп инсонларга меҳримни, билимимни бера олдим. Бугун турли соҳаларда яхши лавозимларда ишлаб келаётган кўплаб шогирдларим бор. Ҳатто айримларининг фарзандларига ҳам дарс бериб келяпман. Бу мен учун катта бахт ва фахр.

Бизнинг давримизда ўқитувчининг зиммасидаги вазифалар ҳам кўп эди. Ўқитувчилар пахта теримига чиқарди, микроучасткаларда уйма-уй юриб, болаларнинг ўқишини назорат қиларди, ободонлаштириш ишларига жалб этиларди. Мактабда навбатчилик қилиб, ҳатто эрталабгача қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун эса ўқитувчини бундай ишлардан озод қилиш, унинг асосий вазифаси – таълим ва тарбия билан шуғулланишига имкон яратишдир. Менимча, бу ўқитувчининг касбий мақомини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мен бу йил ўқитувчилик соҳасида 41 йиллик меҳнат йўлимни босиб ўтдим. Бугун ҳам бор билимим ва тажрибамни ёш авлодга беришга тайёрман. Мен учун ўқитувчилик – шунчаки касб эмас, шарафли ҳаёт йўли.



ТЕХНОЛОГИЯДАН УСТУН ҚАДРИЯТ

Шаҳризода ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Самарқанд давлат университети Хорижий тил ва адабиёти факультети 3-босқич талабаси:

– Ўқитувчилик мен учун шунчаки танланган касб эмас, аждодларимдан давом этиб келаётган маънавий йўлнинг бир қисмидир. Мен устозлар ва китоб қадрланадиган зиёли оилада улғайганман. Шу боис бу касбга меҳрим болалигимдан шаклланган. Бугун замонавий касблар кўп. Аммо технология қанчалик ривожланмасин, инсон тафаккурини уйғотадиган, уни изланишга ва ўз устида ишлашга ундайдиган устозга эҳтиёж йўқолмайди. Айниқса, тил ва адабиёт ўқитувчиси нафақат фан ўргатади, балки ўқувчининг ўзга тил, бошқа халқнинг адабиёти, ҳамда миллий тафаккур ва қадриятларимизга муносабатини шакллантиради. Мен учун устознинг энг катта мероси – ўқувчисида мустақил фикрлаш ва ўрганишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш. Чунки билимни кейинчалик тўлдириш мумкин, аммо изланишга одатланган инсон умрининг охиригача ўрганишда давом этади. Устоз синфхонадан чиқиб кетади, аммо унинг берган фикри ва қадриятлари шогирдининг ҳаётида давом этади. Бугунги ўқувчини дарсга жалб қилиш эса ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қилади. Менимча, мақсад ўқувчини 45 дақиқа синфхонада ушлаб туриш эмас, унинг фикрини дарсда ушлаб туришдир. Бунинг учун ўқитувчи ижодкор, кузатувчан ва замонавий технологиялардан фойдалана оладиган бўлиши билан бирга, ўқувчини тушуниши ҳам керак. Ўқувчи ўзгарган сари уни ўқитиш усули ҳам ўзгаради. Аммо устознинг ўқувчига бўлган эътибори, ишончи ва унинг келажаги учун масъулияти ўзгармаслиги керак.

ШУКУҲ

“Устоз қалблар муҳандисидир”

Малика ШОМИРЗАЕВА,
Шайхонтоҳур тумани 19-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси:

– Аввало, байрам билан барча устозларни табриклайман. Яратганнинг назари тушган касблардан бири муаллимлик бўлса керак. Машаққатли, аммо жуда шарафли касб. Мен қарийб 35 йилдан бери таълим соҳасидаман, фаолиятим давомида катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Кўпинча мендан: “Нега устоз бўлгансиз?” деб сўрашади. Мен эса “Чунки ўқувчи бўлганман”, дейман.

Отам она тили ва адабиёт фанидан олимпиадада биринчи ўрин олганимни ҳисобга олиб, Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига киришимни истади. Дастлаб бу қарорни мажбуран қабул қилганман. Аммо университетда Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Ёқуб Ғуломов каби буюк устозлардан таълим олганимдан кейин ўз йўлимни топдим. “Мен устоз бўламан”, деган қарорга келдим.

Ўқувчини севмасдан туриб, яхши устоз бўлиш қийин. Ҳар бир боланинг ўз дунёси, ўз муаммоси, ўз орзуси бор. Баъзиларининг оилавий шароити оғир, айримлари ота-онаси ажрашган ёки бошқа оилавий муаммолар билан мактабга келади. Уларнинг кўнгли жуда нозик. Баъзан уларга “Мен сенга ишонаман, сен буни уддалайсан”, деган биргина жумланинг ўзи катта куч беради. Дарсга кирганимда, ўқувчиларни “Умидимиз юлдузлари” деб чақираман.



Энг муҳими, болалар ўзлари келиб: “Устоз, қачон театр қўямиз?” деб сўрайди. Демак, бизнинг меҳнатимиз самара беряпти. Улар китоб ўқияпти, образга киряпти, фикрлаяпти, баҳслашяпти. Ҳатто рус синфида ўқийдиган ўқувчилар ҳам саҳнага чиқиб, ўзбек тилида асарларни ижро этишмоқда.

Мен ҳар доим ҳамкасбларга: “Агар жонингизни бериб ишламасангиз, бошқа касб қилинг”, дейман. Чунки ўқитувчи – инсон қалбининг муҳандиси. Инсон қалби шишадан ҳам нозик. Агар ўша биллурга бирор яхши фикр, ишонч, умид бера олсангиз, бу сизнинг энг катта ютуғингиз. Йиллар ўтиб, кўчада шогирдингиз “Устоз!” деб мурожаат қилса, унинг сизни унутмаганини кўрсангиз, бундан ортиқ шараф бўлмайди.

“Эътирофдан кейинги масъулият”

Юлдуз ПАРДАЕВА,
“Шуҳрат” медали соҳибаси, Сирдарё вилояти Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

– Мен учун бугунги тонг ниҳоятда шукуҳли бўлди. Чунки узоқ йиллар давомида қилган меҳнатларим юксак баҳоланди. Халқим ва Давлатимиз раҳбарининг эътирофига сазовор бўлганимдан жуда хурсандман.

Бугун ўқувчилик йилларимни эслаяпман. Ёшлигимдан келажакда, албатта, ўқитувчи бўлишни, ёшларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ беришни, уларни адабиётга ошно этишни орзу қилардим. Бугун эса ўша болалик орзуларим рўёбга чиққанидан мам-



нунман. Таълим соҳасида ўттиз йилдан буён меҳнат қилиб келмоқдаман. Шу йиллар давомида кўплаб шогирдлар тарбиялаш бахтига муяссар бўлдим. Уларнинг ҳар бир ютуғи мен учун катта қувонч. Зеро, устоз шогирдининг муваффақиятини ўз ютуғидек қабул қилади. Шогирдларимнинг эришаётган натижалари менга ҳам янги куч ва илҳом беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, устоз ва мураббийларга яратилаётган шароитлар бизни қувонтирмоқда. Узоқ йиллар давомида орзу қилинган кўплаб имкониятларнинг яратилаётгани ўқитувчилар зиммасидаги масъулиятни ҳам янада оширмоқда. Менимча, бундай эътироф ва эътибор биз, устозларни янада кўпроқ изланишга, ўз устимизда ишлашга ва ёш авлод таълим-тарбиясига янада самарали ҳисса қўшишга ундайди.

58 йил – касбга садоқат тарихи

Эргаш САИДОВ,
“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, Сурхондарё вилояти, Денов тумани 6-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси:

– Мен 1943 йил 9 ноябрь куни Сурхондарё вилояти, Денов тумани Холчаяён қишлоғида туғилганман. Болалигим шу қишлоқда ўтди. Шу ердаги 6-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олдим. Мактабни тамомлаб, олий таълим муассасасига ўқишга кирдим. Ўқишни аъло натижалар билан якунлаб, 1968 йил 12 август куни ўзим таҳсил олган 6-мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилиндим. Мана, қаранг, орадан 58 йил ўтибди… 58 йил – бир мактабда ўтган умр. Бу мен учун шунчаки меҳнат стажи эмас. Бу – бутун бир ҳаёт, юзлаб шогирдлар, минглаб дарслар ва устозлик касбига садоқат тарихидир.

Шу йиллар давомида бошқа жойга кетмадим. Ўзим ўқиган, кейин эса меҳнат фаолиятимни бошлаган мактабимда қолдим. Бутун умрим шу даргоҳда ўтди. Ҳамон шу мактабда ёш авлодга сабоқ бериб келяпман. Инсон ҳаётида шундай бир жойлар бўладики, у ер билан тақдири чамбарчас боғланиб кетади. Мен учун бу маскан – 6-мактаб. Бу ерда мен нафақат ўқитувчи, балки устозлик касбининг қадрини, унинг масъулияти ва завқини англаб яшадим. Баъзан “Мактабдан кет-



саммикан?” деган хаёл ҳам келади. Аммо ёшларнинг шижоати, кўзидаги қизиқиш, илмга интилишига қараб, яна ишлагим келаверади. Уларнинг ғайрати менга ҳам куч беради. Шунинг учун ҳам ҳали-ҳануз дарс беришдан, болалар билан ишлашдан завқ оламан.

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.

КУЗАТУВ

Шахматчиларимизнинг том маънодаги оламшумул ғалабаси довруғи бугун етти иқлимни ҳайратга солмоқда.

Испаниянинг машҳур “Damas y Reyes” сайти муҳаррири Федерико Марин БЕЛЁННинг таҳлили мутахассис ва ишқибозлар орасида “ўзбек шахмат мўъжизаси” деган ибора трендга чиқишига сабаб бўлди.

Қуйида ушбу таҳлилий мақолани мухтасар шаклда эътиборингизга ҳавола этяпмиз.



El secreto del milagro de Uzbekistán: un Gobierno y un país orgullosos de sus ajedrecistas

Por Federico Marín Bellón / 29 de septiembre de 2026

Ўзбекистон мўъжизасининг сири:

ШАХМАТЧИЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИГАН ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ

Ўзбек мўъжизаси аслида мўъжиза эмас. Бунинг ортида эътибор, меҳнат ва яратилган имкониятлар турибди. Ҳукумат шахматни ривожлантиришга катта эътибор қаратди ва 38 миллион аҳолига эга, илгари жаҳон шахматида деярли кўзга ташланмаган мамлакатни сўнгги учта Олимпиаданинг иккитасида ғолиб чиққан йирик шахмат давлатига айлантирди.

Бу саъй-ҳаракатлар бошланғич таълимдан бошланади. Тизимнинг яна бир муҳим жиҳати эса энг яхши спортчиларнинг муносиб қадрланишидир. Самарқанддаги ғолибларнинг ҳар бири 200 минг доллардан мукофот олди. Бошқа мамлакатлар шахматчилари бундай рағбатга ҳавас билан қарамоқда.

Испаниялик гроссмейстер Пако Валехо бу ҳақда шундай деди:

“Менимча, Испания шарафини ҳимоя қилиб, қатнашган барча (ўнта бўлса керак) Олимпиадаларимдаги жами партияларни ютганимизда ҳам бу миқдордаги пулни олмаган бўлардим”.

ЎЗБЕКИСТОН – БУТУНЛАЙ БОШҚА МАМЛАКАТ

Эслайлик, бундан атиги ўн йил аввал Боку Олимпиадасида Ўзбекистон 39-ўринни эгаллаган эди. Ўша мусобақа Испания учун ҳам унчалик омадли кечмаган бўлса-да, испанлар 31-ўринни эгаллаган.

Батуми Олимпиадасида (2018) Ўзбекистон Испанияни ортда қолдириб, 16-ўринни эгаллади. 2022 йилда Ченнайда олтин медални қўлга киритди. Будапештда 2024 йилда учинчи бўлди. Самарқандда эса яна чемпионликка эришди.

Бу ўсиш ҳайратланарли ва уни инкор этиб бўлмайди.

Гап фақат тўрт-беш нафар жуда кучли шахматчи ҳақида эмас. Сўнгги Олимпиадада мезбонларнинг иккинчи жамоаси ҳам ўз натижалари билан эътиборни тортди.

Улар сўнгги икки турда мағлубиятга учраб, якунда 18-ўринга тушиб қолишди. Шунга қарамай, бунинг ўзи ҳам катта натижа. Чунки мусобақа давомида улар Испания, Англия ва Нидерландияни мағлуб этишди. Айниқса, Нидерландия устидан 3,5:0,5 ҳисобидаги ғалаба ҳар икки жамоа аъзоларининг хотирасида узоқ сақланиши аниқ.

Уларни фақат Ҳиндистон, Хитой ва Германия каби учта кучли жамоа тўхтата олди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЭЪТИБОРИ

Буларнинг барчасида муҳим бурилиш 2018 йилда юз берди. Ўша йили Президент Шавкат Мирзиёев шахматни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатни қабул қилди.

Шундан сўнг 150 та мактабда шахматни ўқитиш бўйича тажриба дастури йўлга қўйилди ва уни таълим тизимига босқичма-босқич жорий этиш йўл харитаси ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, мураббийлар тайёрлаш тизими кучайтирилди, шахмат клублари инфратузилмаси ривожлантирилди.

2021 йилда дастур янада кенгайди. Ихтисослаштирилган мактаблар сони икки баравар оширилди. Яна мингта таълим муассасасида 2–4-синф ўқувчилари учун шахмат машғулотлари жорий этилди. Мактаблар шахмат тахталари, доналар, соатлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланди. Ўқитувчилар тайёрланди, спорт мактабларидаги шахмат бўлимлари кенгайтирилди.

Натижалар аллақачон кўрина бошлаганига қарамай, ҳукумат бу йўналишдаги ишларни сусайтирмади. Сўнгги ўқув йилида шахмат жисмоний тарбия ва математика фанлари доирасида ҳам ўқитилиб, унга 36 соатлик дастур ажратилган.

Албатта, буни ортиқча деб ҳисоблайдиганлар ҳам топилиши мумкин. Тафсилотлар устида баҳслашиб ўтирмайлик. Бир нарса аниқ: бирор соҳага жиддий эътибор қаратилиб, бунинг учун куч ва имконият аялмаса, натижа келади.

ИҚТИДОРЛАРНИ САРАЛАШ

Албатта, минглаб болаларга шахмат ўргатишнинг ўзи етарли эмас. Улар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва имкон қадар юқори натижаларга эришиши учун уларни қўллаб-қувватлаш ҳам керак.

Иқтидорли шахматчи аниқлангач, жараёнга International Chess School қўшилади. Эришилган натижаларга қараб шахматчилар ва мураббийларга пул мукофотлари берилади.

Мукофот фақат олтин медал учун эмас, кумуш учун 100 минг доллар, бронза медал учун эса 50 минг доллар. Ҳар бир ҳолатда мураббийлар ҳам шахматчига бериладиган мукофотнинг ярмига тенг миқдорда рағбатлантирилади.

Ёшлар Олимпиадаси, Паралимпиада ва ФИДЕнинг бошқа расмий мусобақаларида, жумладан, Осиё чемпионатларида медал қўлга киритганлар учун ҳам алоҳида мукофотлар белгиланган.

Яна бир рақам: гроссмейстер унвонини қўлга киритган шахматчига қўшимча 5 минг доллар мукофот тақдим этилади.

МИННАТДОРЛИК МУРОЖААТИ

Ўзбекистоннинг олтин медали аниқ бўлгач, Президент Шавкат Мирзиёев шахматчиларга бағишланган кенг ва самимий миннатдорлик мурожаатини эълон қилди.

Унда Президент шахматчиларни “ўғил-қизларим” деб атайди, терма жамоанинг ҳар бир аъзоси эришган натижани номма-ном тилга олади. Ҳатто айрим мураккаб ва муҳим партиялардаги вазиятларга ҳам алоҳида тўхталади.

“Мухтасар айтганда, – дея хулоса қилади Президент, – миллий терма жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзига ишониб, доимо олдинга интилганини кўриб, бутун дунё Янги Ўзбекистонда шаклланган буюк шахмат мактаби ва янги авлодни эътироф этди”.

Аёллар терма жамоаси ҳақида эса шундай дейди: “Улар ҳам кескин баҳсларда ҳақиқий матонат кўрсатди. АҚШ терма жамоаси билан тенгма-тенг курашди, 11 та учрашувнинг 7 тасида ғалаба қозониб, якунда 13-ўринни эгаллади. Бу муҳим натижа”.

Президент Самарқанддаги Парашахмат олимпиадасида эришилган муваффақиятларни ҳам алоҳида қайд этади. Унда Ўзбекистон шахматчилари илк бор жамоавий медални қўлга киритди, шунингдек, бир нечта шахсий медалларга ҳам сазовор бўлди.

“Барча шахматчиларимиз тимсолида халқимиз юксак билим ва қатъиятга эга, улкан мақсадларга эришишга қодир Янги Ўзбекистон ёшларини кўрмоқда”, дея ўз мурожаатини якунлайди Шавкат Мирзиёев.

Федерико Марин БЕЛЁН

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 348
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 819
Лотин ёзувида – 11 529
Медиа кузатувчилар – 90 706
Буюртма: Г – 1039
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ